Ушбу сонда:

2 **ИЗОҲСИЗ ОВОРАГАРЧИЛИК**



3 **ТАНТИЛИК**



**ҚИСМАТ ЎЙИНИ**

4 **ПАНД ЕГАН ВАЛЮТАФУРУШЛАР**




*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№1 (357)
2004 йил 6 январ сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда


**MEZON:**

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқига эга.

Ахборот олиш фақат қонунга мувофиқ ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, конституциявий тузум асослари, жамиятнинг ахлоқий қадриятлари, мамлакатнинг маънавий, маданий ва илмий салоҳиятини муҳофаза қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чекланиши мумкин.

**"АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 4-МОДДА.**

*2004 йил — Меҳр ва мурувват йили*

## ЭЗГУЛИК АМАЛИЁТИ



***Ғарбда кўпроқ индивидуаллик, Шарқда эса жамоавийлик устун. Ғарб кишиси бир ишга қўл уришдан олдин: "Менга яхши бўладими, йўқми?" — деб бош қотирса, Шарқ одами, аввало: "Шу ишни қилсам, одамлар нима дер экан?" — деб ўйлайди.***

***Ғарб айнан индивидуаллик билан шундай юксак иқтисодий-ижтимоий тараққиётга эришди. Кейинги асрларда буюк-буюк ихтиролар яратган, башарият равнақига улкан ҳисса қўшган машҳур-машҳур шахсларни берди. Шубҳасизки, бундай ҳаёт тарзи "Одамлар нима деса — десин, менга барибир" деган ақидани ҳам келтириб чиқарди. Бундан маънавий қашшоқлик сари улкан йўл ҳам очилгани сир эмас. Шарқ эса Япония мисолида жамоавийлик билан ҳам юксак тараққиётга эришса бўлади, деган фикрни исботлади.***

Демак, бу борада ғарбона ва шарқона йўлнинг ҳам ўз ютуқ ва камчиликлари борлигидан кўз юммаслик керак. Шу маънода қайсидир даражада Шарқ Ғарбдан индивидуалликни, Ғарб ҳам ўз навбатида Шарқдан жамоавийликни юқтириши шарт.

Гапни бундай узоқдан бошлашдан кўзланган мақсад меҳр ва мурувват умуминсоний қадрият эканини, лекин шу муҳим фазилатнинг замирида ҳам айни жамоавийлик табиати, яъни шарқона инсонпарварлик ётганини айтиш эди. Шарқ, шубҳасиз, меҳрли-мурувватлироқ.

Шу маънода муҳтарам Президентимизнинг 2004 йилни **"Меҳр ва мурувват йили"** деб эълон қилишида ҳам бевосита миллийлик, аниқроғи, халқимиз тийнатига хослик устун.

Меҳр ва мурувват руҳи, ҳатто, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига сингдирилган. Унинг **"Муқаддима"**сидаёқ **"демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб"** ҳамда **"республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб"** деган, давлат ва жамият елкасига юксак масъулият юклайдиган сўзлар битилган.

Бундан ташқари, Асосий Қонунимизнинг 14-, 64- ва 66-моддалари меҳр ва мурувват бевосита давлат сиёсати эканини уқтириб туради.

14-моддада мана бундай сўзларни ўқиймиз: ***"Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади".***

64-модда эса ота-оналарга олий масъулият юклайди: ***"Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради".***

66-модда эса кексаларга ғамхўрликни қонунийлаштиради: ***"Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар".***

Бу моддалар таҳлилидан олдин Президентимизнинг мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ қатъий қилиб белгилаган жамиятни ислоҳ этишнинг беш тамойилидан тўртинчисини эсга олайлик: ***"Аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда, аҳолини, айниқса, кам таъминланган оилаларни, болалар ва кексаларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим".***

Бу тамойил Конституциядаги юқорида келтирилган ҳуқуқий мезонлар билан жуда ҳамоҳанг. Айни ҳамоҳанглик 2004 йилни **"Меҳр ва мурувват йили"** деб эълон қилинишида ҳам изчил давом этаётганини кўрамиз.

Хўш, Ўзбекистоннинг демографик таркиби қандай? Жуда ўзига хос. Бу ўзига хослик шундан иборатки, Президентимиз Олий Мажлис сессияларидан биридаги матбуот анжуманида айтганидек, бизда ишлайдиганлар билан ишламайдиганларнинг ўзаро нисбати 1 га 5,7. Бу бир киши меҳнат қилади, ўзи билан қўшиб ҳисоблаганда, 5,7 кишини боқади, дегани. Чунки бизда ўн саккиз ёшгача бўлган аҳоли 12 миллионни ташкил этади. Нафақа ёшидагилар эса 3 миллион атрофида. Иш билан машғул бўлиши лозим аҳоли 10 миллиондан иборат. Бунинг ҳам бир қисми ўқийди, меҳнатга лаёқатсизлар бор, албаттаки, ишсизлар ҳам йўқ эмас.

Болаларни боқишга мажбурмиз, чунки улар эртанинг эгалари. Кексаларни боқишга мажбурмиз, чунки улар биз учун вақтида ишлаб қўйган.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат ва жамият ишламайдиган ёшдагиларни, муҳтожларни, кам таъминланганларни, ногиронларни ўйламаса, ижтимоий адолатсизлик юз беради. Ахир, ҳаманинг ҳам яшашга ҳаққи бор. Шунинг учун мустақиллик йилларида мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсат олиб борилаяпти. Акс ҳолда, бозор муносабатларининг шаклланиши ва тараққий эта бориши билан аҳолининг моддий табақаланиши кучайиб, биров ҳаддан ташқари бойиб, бошқа биров ҳаддан ташқари камбағаллашиб қолиши хавфи келиб чиқади.

Булар давлат ва жамиятнинг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишдаги олдиндан таъсирчан чоралар кўришига қаратилган фаолиятига дахлдор. **"Меҳр ва мурувват йили"**да энди шуни янада кучайтириш, бу борада ихтиёрий меҳр ва мурувватга кучли даъват, алоҳида давлат дастури асосида қўшимча ижтимоий муҳофаза тадбирларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Меҳр ва мурувватни ҳам маънавий, ҳам моддий маънода тушуниш керак. Меҳр – мурувватнинг маънавий кўриниши. Одамларга меҳр кўрсатиш учун моддий асос талаб қилинмайди. Мурувват эса — меҳрнинг моддий кўриниши.

Мустақиллик йилларида Президентимизнинг 14 марта «Амнистия тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Бу ҳам ўзига хос меҳр ва мурувват. Қанчадан-қанча маҳбуслар ана шу меҳрибонлик, бағрикенглик шарофати билан муддатидан олдин озодликка чиқиб, оиласи, бола-чақаси ҳузурига, севган касбига қайтди.

Аслини олганда, меҳр ва мурувват "Инсон манфаатлари йили" (1997), "Оила йили" (1998), "Аёллар йили" (1999), "Соғлом авлод йили" (2000), "Она ва бола йили" (2001), "Қарияларни қадрлаш йили" (2002), "Обод маҳалла йили" (2003) Давлат Дастурларининг ҳам асос-мазмунини ташкил этган эди. **"Меҳр ва мурувват йили"**да, аввало, ана шу одил сиёсат изчил давом эттирилади, қолаверса, илгариги тажрибалар янада такомиллаштирилади.

Буларнинг бари Президент Ислом Каримов ўртага ташлаган ҳар ким ва ҳар куни савоб иш қилишига қаратилган эзгу даъватнинг ҳаётий амалиёти ҳисобланади.

Алишер Навоий ҳазратлари ҳақ: **карам билан мурувват, қайда бўлса ҳам, Тангри паноҳида бўлгай...**

**Султонмурод ОЛИМ**

---

**Bugunning gapi**

***Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тадбиркорлик йўлидаги тўсиқлар ва сансоларликка барҳам берувчи муҳим тадбир ҳисобланади.***

***Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорининг қандай бажарилаётгани Адлия вазирлиги ходимлари томонидан ўрганиб чиқилди. Ўрганиш мобайнида баъзи жойларда бу борада айрим камчилик ва қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди.***

## РАСМИЙЛАШТИРИШ — РАСМИЯТЧИЛИК ЭМАС!

Мисол учун айтадиган бўлсак, Тошкент шаҳрининг Сирғали тумани ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан "Bani Asad", "Аликар", "Пластка", "Прим инвест", "Алес Полизал Синтез" хусусий корхоналари таъсисчилари тўғрисида маълумотлар, солиқ тўловчининг идентификация рақамлари ва статистика кодлари амалдаги тартибга зид равишда давлат реестрига киритилмаган. Якка тартибдаги тадбиркорлар Л.Ли, А.Сулейманов, Б.Мелиевларнинг солиқ тўловчининг идентификация ва гувоҳнома рақамлари ҳам давлат реестрида қайд этилмагани бу ҳолнинг салбий амалиётга айланиб қолганини кўрсатади.

Амалдаги қонунчиликка асосан тадбиркорлик субъектларига муҳр ва тамға ясатиш учун рухсатномаларни олиб бериш мажбурияти туман рўйхатдан ўтказиш инспекцияси зиммасига юклатилган бўлса-да, давлат рўйхатидан ўтган 874 нафар якка тартибдаги тадбиркор ўзлари шахсан ИИБга мурожаат қилиб, тегишли рухсатномаларни олишга мажбур бўлишган. Бу ноқонуний амалиётга адлия ходимлари томонидан чек қўйилди.

Бундан ташқари, тадбиркорларнинг давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги гувоҳномаларда уларнинг ҳуқуқларини чекловчи турли ноқонуний изоҳлар баён этилган экан. Масалан, якка тадбиркор Р. Ҳайдаров ва бошқа тадбиркорларнинг гувоҳномаларига "Ўзстандарт агентлиги"нинг махсус рухсатномаси билан ҳақиқийдир", "Савдо гувоҳномаси билан ҳақиқийдир", деган изоҳлар ёзилган. Бу ҳол қонунчилик талабларига зид эканини мутасаддилар наҳотки билишмаса?

Туман давлат солиқ инспекцияси томонидан ҳам янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларига ноқонуний талаблар қўйилган. Хусусан, туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари З.Иброҳимовнинг шахсан талаби билан шу йил октябр ойида давлат рўйхатидан ўтган "Таксафон" масъулияти чекланган жамияти, "Наргиза-Фотима" хусусий фирмаси раҳбарлари шахсан келиб солиқ идорасида ҳисобда турмагани учун уларга «СТИР» рақами берилмаган. Бунинг натижасида ўз таъсис ҳужжатлари ва гувоҳномаларини муддатида ололмай келган. Яна 8 та корхона ана шундай "тўра"чиликдан азият чеккан. Бундай ноқонуний "тартиб"га кўра, якка тадбиркорлар С.А. Глазырин ва А.Абдуллаевлар муддатидан 10 кун кечикиб гувоҳнома олишган.

Тумандаги солиқчилар эскича ишлаш услубига шунчалик кўникиб қолишган шекилли, жорий йилнинг сўнгги чорагида рўйхатдан ўтган "Примера Сервис", "Назокат файз" масъулияти чекланган жамиятлари, "Бойлик ПГ" хусусий фирмасидан, бунга мутлақо ҳақлари бўлмаса-да, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, ҳоким қарори ва бошқа турли буйруқлар, низом, паспорт нусхалари олинган.

Бундай камчиликлар Бектемир тумани давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси фаолиятида ҳам аниқланди.

Мазкур инспекция томонидан давлат рўйхатидан ўтмаган "Кенди" хусусий фирмасига фақат рўйхатдан ўтган корхоналар учун расмийлаштирилиши лозим бўлган маълумотномани ноқонуний тузиб, фирманинг муҳри ва тамғаси эскизлари билан шу йилнинг 27 март куни туман ИИБ га тақдим этган. Бироқ мазкур фирма қарийб бир ойдан кейин давлат рўйхатидан ўтказилган.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 8 августдаги 347, 2003 йил 8 августдаги 357-сонли қарорларига мувофиқ, ҳар бир юридик шахс бўйича алоҳида иш жилди очилиб, унга корхонанинг давлат рўйхатидан ва қайта рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги ҳужжатлари тикилиши ва инспекцияда сақланиши лозим. Афсуски, мазкур туманда давлат рўйхатидан ўтган барча юридик шахсларнинг низом ва таъсис шартномаларини туман ҳокимлигининг умумий бўлимига топшириш, умумий бўлим орқали эса ушбу ҳужжатлар қарорлар тўпламига тикиб, ҳокимият архивига топшириш амалиёти ҳанузгача бартараф этилмаган.

Албатта, йўл қўйилган камчиликларни ва қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилди. Лекин тадбиркорларнинг йўқотган вақти ва асаббузарлиги ўрнини қоплашнинг иложи йўқ. Шу маънода баён этилганлар тадбиркорлик субъектларини ташкил этишда яқиндан ёрдам бериш вазифаси юклатилган мутасадди идоралар зиммасидаги масъулиятни янада оширишга хизмат қилса, ажаб эмас.

**Нуритдин ИРМЕТОВ,**
**Адлия вазирлиги ходими**

---

## "ИНСОН ва ҚОНУН"га

**ЖАВОБ БЕРАДИЛАР**

Газетада чоп этилган **"Инсофга келармикан"** номли мақола фуқаро Сайдалиева Кимёхоннинг иштирокида ўрганиб чиқилди.

К.Сайдалиева 1986 йил декабр ойида Жўрақулов Хурсанбекка турмушга чиққан, турмушлари давомида икки нафар фарзандли бўлишган, 1991 йилда ўзаро оилавий келишмовчиликлар сабабли ўрталаридаги никоҳ бекор қилинган, суднинг қарори билан Х.Жўрақуловдан икки нафар фарзанд таъминоти учун алимент ундирилган, суд қарори ижроси жавобгар Олтинкўл туман "Иттифоқ" ширкат хўжалигида ишлаб келганлиги сабабли ширкат хўжалигига юборилган, алимент пуллари 2001 йил май ойига қадар ҳисоб-китоб қилинган, кейинчалик К.Сайдалиева бетоб бўлиб узоқ вақт давомида касалхонада даволанган, алимент пулларини ундириш бўйича ширкат хўжалигига ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилмаган.

Текшириш давомида К.Сайдалиевага алиментдан бўлган 114750 сўм ҳаққи ўзининг розилиги асосида маҳсулотлар бериш йўли билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилинди.

Келгусида К.Сайдалиевага алимент ундириш масаласида ширкат хўжалигига, суд ижрочилари бўлимига мурожаат қилиш ҳуқуқлари тушунтирилиб, ушбу ҳақда ёзма равишда маълум қилинди.

**К.МАМАТОВ,**
**Андижон вилоят прокурори ўринбосари**

* * *

Газетанинг 2003 йил 16 декабр кунги сонида чоп этилган **"Вафина нега овора бўлди?"** деб номланган мақола Тошкент вилояти прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси томонидан кўриб чиқилди.

Бўстонлиқ туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖКК бўлими ходимлари И.Худоёров ва А.Салимовлар томонидан 2003 йил 21 май куни Бўстонлиқ туманида фаолият кўрсатаётган "Мария" хусусий фирмасига қарашли дўконда ўтказилган текширишда ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармасдан. Текширув ҳужжатларини расмийлаштиришда процессуал хато-камчиликларга ва сифатсиз текширув ўтказилишига йўл қўйилганлиги учун уларга нисбатан 2003 йил 10 октябр куни интизомий жазо қўлланилди.

Келгусида текширув ҳужжатларини расмийлаштиришда хато ва камчиликларга йўл қўймаслик юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

**В.КАРИМОВ,**
**Тошкент вилояти прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи**

---

**Tuzatish**

***Охунбобоев тумани Давлат солиқ инспекцияси ҳуқуқий шахслардан солиқ ундириш ва назорат этиш бўлими ходими Х.Ғофуров туман Давлат солиқ инспекциясининг 2003 йил 5 март кунидаги 80-с-сонли буйруғига асосан тумандаги "Матлуботсавдо" акциядорлик жамиятига қарашли "Давлат таъминоти" фирмасининг 1999, 2000, 2001 ва 2002 йиллар мобайнида амалга оширилган иш фаолияти юзасидан якуний текшириш ўтказган. 12 март куни эса текшириш якуни юзасидан далолатнома тузган. Ушбу далолатномага асосан 13 март куни туман Давлат солиқ инспекцияси молиявий жазо қўллаш тўғрисидаги 47-сонли қарор чиқариб, "Давлат таъминоти" савдо фирмасига 13.536.819 сўмлик жарима қўллаган.***

***Аслини айтганда, ҳамма можаро шундан сўнг бошланди.***

## ЖАРИМА

### У НЕГА НОТЎҒРИ ҚЎЛЛАНИЛДИ?

Бу жаримадан норози бўлган матлуботчилар вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишди. Вилоят адлия бошқармасининг мутахассислари масалани батафсил ўрганиб чиқиб, солиқчилар томонидан жиддий хатоликка йўл қўйилган, деган хулосага келишди.

Чунки Солиқ кодексининг 135-модда 8-бандига 2001 йилнинг 7 декабр куни ўзгартириш киритилиб, солиқлар ва йиғимлар бўйича тўлов муддатини ўтказиб юборган ҳар бир кун учун 0,15 фоиз миқдордаги устама 0,07 фоиз миқдорга камайтирилган. Қайд этилган молиявий жазога тортиш ҳақидаги қарорда эса бюджетга тўланмаган тўловлар учун ҳар бир кечиктирилган кунга 2000 ва 2001 йилларга 0,15 фоиз 2002 йилга эса 0,07 фоиз миқдорда устама жарима ҳисобланган. Кўриниб турибдики, бу ўринда адолат мезони бузилган.

Бундан ташқари, молиявий жарима тайинлаш ҳақидаги қарорда солиқ тўловчи томонидан сотилган маҳсулотларга ҳисоб-фактуралар тўлиқ ва белгиланган тартибда расмийлаштирилгани сабабли Солиқ кодексининг 135-моддаси 9-бандига асосан 10 фоиз, яъни 13.136.813 сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилган.

Бироқ солиқ кодексининг 135-моддасининг 9-бандига 2001 йил 12 май куни ўзгартириш киритилиб, **"ҳисоб-варақ фактураларни товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинаётганда белгиланган тартибни бузган ҳолда расмийлаштирганлик учун, агар бу қонунбузарлик қўшилган қиймат қолдиғи тушмаслигига олиб келган бўлса, маҳсулот етказиб берувчидан реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) қийматининг 10 фоизи миқдорида жарима ундирилади"**, деб белгиланган.

Охунбобоев тумани матлубот савдо акциядорлик жамиятига қарашли "Давлат таъминоти" савдо фирмасининг фаолият тури таъминот этиб белгиланганини сабабли (80100-сонли ОКОНХ рақами берилган) бюджетга фақат ялпи даромад ва мол-мулк солиғи тўловчи ҳисобланиб, қўшимча қиймат солиғидан озод қилинган. Шу боис савдо фирмасининг ҳисоб фактураларини белгиланган тартибда расмийлаштирилмагани, бюджетга қўшилган қиймат солиғини тушмаслигига олиб келмаган.

Баён этилган ҳар икки ҳолатда Солиқ кодексининг 3-моддаси 2-қисми қўлланилмаган. Ҳолбуки, бу моддада **"Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни енгиллаштирадиган ёки бартараф этадиган қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга. Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни белгилайдиган ёки кучайтирилган қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас"**, деб белгиланган.

Вилоят адлия бошқармаси шулар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 феврал кунидаги 57-сонли қарорининг 7-бандига асосан Охунбобоев тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи А.Умаров номига 2003 йилнинг 4 август куни 12-264-сонли тақдимномани киритди. Унда туман Давлат солиқ инспекциясининг 2003 йил 13 март кунги молиявий жарима қўллаш ҳақидаги 47-сонли қарорининг 1999, 2000 ва 2001 йиллардаги бюджетга тўланмаган тўловлар учун қўлланилган қўшимча жарима (устама) қайта кўриб чиқиш, амалдаги қонунларга мувофиқлаштириш, солиқ тўловчи томонидан сотилган маҳсулотларга ҳисоб-фактуралар ва белгиланган тартибда расмийлаштирилмагани учун қўлланган 13.136.813 сўм жаримани "Давлат таъминоти" савдо фирмаси қўшимча қиймат солиғи тўловчи бўлмаганлиги сабабли бекор қилиш сўралган эди. Тақдимномада туман Давлат солиқ инспекцияси ходимларига солиқ қонунчилигига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар юзасидан ўқув машғулотлари олиб бориш ҳам уқтирилганди.

Яқинда мазкур тақдимнома юзасидан Охунбобоев тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан жавоб хати олинди. Унда туман Давлат инспекциясининг 2003 йил 13 март кунидаги молиявий жарима қўллаш ҳақидаги 47-сонли қарори бекор қилингани маълум қилинган.

Бу воқеани баён этишдан мақсад шуки, айни шу ҳолат кўпгина асаббузарлик, сарсон-саргардонлик ва шикоятбозликни келиб чиқишига сабаб бўлди.

Хўш, ана шундай ҳолат рўй бермаслиги мумкин эдими?

Ҳа.

Фақат бунинг учун солиқ тизими ходими амалдаги қонунларни пишиқ-пухта билиши ва энг муҳими, уни амалда оқилона қўллаши лозим эди.

Хулоса шуки, бугун жамиятимизда қонун устуворлиги таъминланаётган экан, бунга ҳар биримиз қатъий амал қилишимиз шарт. Зотан, масъул ходимнинг биргина хатоси кейинчалик нафақат бошқаларнинг фаолиятига тўсиқ бўлади, балки унинг ўзини ҳам юзшувутликка олиб келади.

**Маҳмуджон ТОЖИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Tahlil va saboq

# ИЗОҲСИЗ ОВОРАГАРЧИЛИК

**МУҚАДДИМА**

Мустақилликка эришгандан сўнг жамиятимизда ишбилармон, тадбиркор ва фермерларнинг бутун бир қатлами пайдо бўлди. Улар бугун Ватанимизнинг саноати, ишлаб чиқариши — хуллас, иқтисодий қудратини оширишга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшишмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда фермерларимизнинг хизматлари беқиёс. Шу боис улар ҳукуматимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўз самарасини бермоқда, албатта.

Яқинда таниш фермерларнинг бири билан суҳбатлашиб қолдик. Ундан фермерликнинг афзал жиҳатлари ҳақида сўрадим. Бу саволимизга у қуйидагича фикр билдирди:

— Қишлоқ хўжалиги соҳасини чуқур тушуниб етмайдиган айрим кишилар колхозчиликни ҳам, фермерликни ҳам оддийгина кетмон чопиш, деҳқончилик қилиш, деб тушунадилар. Бу хато фикр. Кечаги колхозчи билан бугунги фермернинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Биринчи ва энг асосий фарқ шундаки, шўро замонида деҳқон ернинг мелеоратив ҳолати билан иши бўлмасди. Яна денг, ўша пайтда ҳосилдорлик ерга доимий сепиладиган тонна-тонна минерал ўғитлар ҳисобига ушлаб туриларди. Одатда доимий равишда ва меъёридан ортиқ дориланган ер заҳарланади. У ўзининг табиий ҳосилдорлигини йўқотади. Янаям деҳқонча қилиб айтадиган бўлсак, ер гиёҳвандга айланиб қолади. Бунинг устига собиқ тузум даврида деҳқон ўз меҳнатидан етарли даражада манфаат топмасди. Ана шунинг натижаси ўлароқ, у ерга ўз мулки сифатида қарамасди. Демакки, хўжаликнинг техникаси ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан муносабат ҳам "ўгай" эди.

Фермерлик биринчи галда деҳқоннинг ерга бўлган эгалик ҳиссини уйғотди. Деҳқондаги мулкдорлик туйғусини шакллантирди. Ўзига, эртанги кунга бўлган ишончини оширди. Бугунги фермернинг кечаги деҳқондан яна бир фарқи шундаки, у энди ўз ҳақ-ҳуқуқини танийди. Ўзини қонун асосида ҳимоя қила олади. Бу эса ўз навбатида деҳқоннинг ҳам, қолаверса, давлатнинг ҳам бойишига муносиб улуш қўшади.

Биз журналист сифатида фермерликнинг афзалликлари ҳақида бундан ҳам кўпроқ ва хўпроқ гапларни айтишимиз мумкин. Қолаверса, бу афзалликларни ҳаммамиз кўриб-билиб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Шунинг учун ҳам чиройли ўхшатишлардан кўра, бугунги фермернинг жайдари, лекин рост сўзларини келтирдик.

Албатта, бугун мамлакатимизда фермерлар умуман айтганда, тадбиркор бўламан, эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшаман, дея ният қилган ҳар бир тадбиркор қонун ҳимоясида. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонун асосида ҳимоя қилинади. Бироқ шу билан бирга баъзи жойларда фермерларнинг йўлига турли тўсиқлар қўйилиш ҳоллари ҳам йўқ эмас.

Қуйида ана шундай ҳолат ҳақида фикр юритамиз.



**МАКТУБ**

Яқинда таҳририятимизга Фарғона вилояти, Боғдод тумани, Матқулобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Матқулобод қишлоғида яшовчи Абдуғаффор Янгибоевдан шикоят хати келди. Аввалига уни мутасадди ташкилотлар ихтиёрига жўнатишни режалаштирган эдик. Лекин мактубга илова қилинган ҳужжатлар билан таниша туриб, фикримиздан қайтдик. Чунки хат муаллифи шикоятига бир даста ҳужжатларни ҳам илова қилган. Бу ҳужжатлар унинг ҳақлигини тасдиқлаб турибди. Келинг, аввал хат билан танишиб олайлик. Кейин биргаликда хулоса чиқаришга ҳаракат қилиб кўрамиз:

"1996 йилдан буён Боғдод туманидаги "Бўрдоқичилик" жамоа корхонаси тасарруфидаги 3 гектар боғда боғдорчилик билан шуғулланиб келаман. Ўтган йиллар мобайнида боғни яхшилаш, ҳосилдорлигини ошириш мақсадида 552 туп мевали дарахт кўчати, 1400 туп терак экдим. Кўчатларни ўз ҳисобимдан сотиб олдим. Уларнинг парваришига ҳам ўз чўнтагимдан маблағ сарфладим. Бугун дарахтларим ҳосилга кирган, тeракларим ҳам бўй чўзиб кўзга ташланиб қолган.

Тўғриси, меҳнатим сингган 3 гектар ер-майдонини фермер хўжалиги тузиб, ўз ҳисобимга олмоқчи эдим. Бунга жамоа корхонаси раҳбарлари ҳам рози эди. Лекин фермер хўжалиги тузиш ҳақида расмий ариза билан мурожаат қилганимдан сўнг улар негадир пайсалга сола бошлашди. Қайта-қайта берган аризаларим жавобсиз қолди. Анча югур-югурлардан сўнг худо уларнинг кўнглига инсоф солдими, 2002 йилнинг октябр ойида берган аризам инобатга олиниб, жамоа корхонаси раҳбариятининг фермер хўжалиги ҳақидаги қарорини қўлимга олдим. Ниҳоят, ниятимни тўғри тушунганлари учун уларга миннатдорчилик билдирдим.

Шундан сўнг барча керакли ҳужжатларни тайёрлаб, ҳокимиятга топширдим. Бир неча бор туман ҳокимининг қабулида бўлдим. Бироқ натижа чиқмади. Лекин ишим ҳал бўлишидан умидимни узганим йўқ. 2002 йилнинг октябр ойидан 2003 йилнинг март ойига қадар ҳокимиятга қатнашларим зое кетмади. Ниҳоят, ҳокимимиз барча ҳужжатларимни қўлимга бериб, жамоа корхонаси раҳбарига олиб бориб беришим кераклигини айтди. Мен худди шундай қилдим.

Афсуски, 2003 йилнинг март ойида ҳокимиятдан олиб келган ҳужжатларим шу йилнинг ноябр ойига қадар жамоа корхонаси раҳбарининг столи тортмасида ётди. Унинг қабулига қатнай-қатнай 2003 йилнинг ноябрида ҳужжатларимни қайтариб олдим. Шундан буён қаерга мурожаат қилишни билмайман. Ахир, мен ҳалол меҳнатим, пешона терим эвазига рўзғор тебратиб юрган оддий бир одамман. Менинг ҳам фермер бўлиш, эл-юртимга янада яхшироқ хизмат қилиш ниятим бор. Сизлардан илтимос, менга ёрдам берсаларинг..."

**ХУЛОСА**

Энди мақоламиз аввалида айтиб ўтганимиз — шикоят хатига илова қилинган ҳужжатларга тўхталсак. Мактубга жами бўлиб ўн икки номдаги, ўн саккиз варақли ҳужжатлар тўплами илова қилинган. Шу соҳанинг мутахассислар билан маслаҳатлашиб кўрдик. Хат муаллифи фермер хўжалиги очиш учун зарур бўлган барча ҳужжатларга эга.

Хўш, унда нега Абдуғаффор Янгибоев сарсон-у саргардон бўлиб юрибди, дейсизми? Бизни ҳам айнан мана шу савол қизиқтирди. Шунинг учун ҳам ушбу мақолани ёздик. Умид қиламизки, мутасадди раҳбарлар бизнинг саволимизга жавоб беришади. Биз эса ўз навбатида муштарийларимизни ҳам жавоб билан таништирамиз.

Демак, ҳозирча мақоламизга якун ясамаймиз.

**Ислом ҲАМРО,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Dakki

# КИМГА ЗАРАР, КИМГА ФОЙДА?

2001 йилнинг ёз ойлари эди. Абдусамат ака ўзига тегишли ер майдонининг бир қисмига яхши ният билан пиёз уруғини қадади. Пиёз дегани ҳам ўз-ўзидан бўлиб кетавермас экан. Вақтида ўтоғини қилмасанг далани ўт босиб кетади. Керакли озуқасини бермасанг, етилмай қолади. Маҳсулот тайёр бўлгач, уни йиғиштириб олишнинг машаққатини айтмайсизми?

Шундай бўлса-да, деҳқончиликда суяги қотган фермер барига чидади. Қумлоқ майдондаги пиёзни кўкартириб, парваришига кўз-қулоқ бўлиб турди. Кузга келиб, у ўзи қилган меҳнатининг натижасидан қониқди ҳам. Чунки даладаги ҳосил чўғи баланд бўлди.

Оила аъзолари билан икки ҳафта даладан чиқмай ҳосилни йиғиштириб олди. Энди унинг олдида яна бир ташвиш турарди. Бу маҳсулотга харидор топиш ва уни ўзи мўлжаллаган нархда сотишдан иборат эди. Етиштирилган 20 тонна пиёзга харидор излаб анча овора ҳам бўлди. Ниҳоят, Сурхондарё вилоят "Сара нав уруғлари" ОТХЖ раҳбарлари ҳузурига кирди. Бу ердагилар деҳқоннинг маҳсулотини харид қилишга рози бўлишди.

— Сиз бемалол пиёзни олиб келиб, бизга топшираверинг. 20 тонна пиёз учун 400 минг сўм ҳақни нақд оласиз. Бизга ишонаверинг, — дейишди.

Далада юрган одам маҳсулотини кўтарасига олувчи корхона учраганидан беҳад хурсанд эди. "Омадим бор экан, ҳар куни бозорга қатнагандан кўра, сал арзон бўлса ҳам тезроқ кўтарасига топшириб, пулини олсам бўлди", деб ўйлади у.

Шундай қилиб, 2001 йилнинг 28 август кунида Абдусамат Ҳамдамов бошлиқ "Х.А.А-.Омад" фермер хўжалиги билан вилоят "Сара нав уруғ" ОТХЖ ўртасида 1-сонли ўзаро шартнома тузилиб ҳар икки томон вакиллари иштирокида расмийлаштирилди. Унга биноан фермер 20 тонна пиёзни топширадиган, "Сара нав уруғ" ОТХЖ эса 400 минг сўм пул тўлайдиган бўлди. 2001 йилнинг 28 ноябр кунидаги 1-сонли юк хати билан Х.Хўжабердиев номига ёзилган 8/10-сонли ишончнома орқали фермер 20 тонна пиёзни корхонага топшириб, елкасидан оғир тош ағдарилгандек енгил нафас олди. Чунки маҳсулот эгали, деҳқон эса меҳнати эвазига 400 минг сўмни оладиган бўлди. Барчаси силлиқ, осон кечган эди. Энг муҳими, деҳқон бундан уч ой илгари тузилган шартномадаги режани бажарган эди. Аммо...

Силлиқ кўчаётган ишлар маҳсулот ҳақини олишга келганда тўсиққа тўқнаш келди. Гап шундаки, вилоят "Сара нав уруғ" ОТХЖ корхонаси фермерни "эрта келинг, индин учранг, ҳозир ҳисобимизда пулимиз йўқ", каби турли хил баҳоналар билан алдашдан чарчамади. Орадан йил ўтса-да, деҳқон ҳақини талаб қилиб сарсон бўлди. Яна саккиз ой ўтди, пулдан дарак йўқ. Охир-оқибат бу оворагарчиликнинг адоғи кўринмаслигига кўзи етгач, шу йилнинг октябр ойида адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилди. Яқинда бўлиб ўтган вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорига кўра фермер "Сара нав уруғи" ОТХЖ корхонасидан 400 минг сўмлик асосий қарз ва 200 минг сўм устама ундириб олди. Йил-ўн икки ой далада қадоқ қўллари билан меҳнат қилган фермернинг қарийб икки йил ўз ҳақини ололмай овора бўлганини кўз олдингизга бир келтириб кўринг. Унда не айб? Шартномани бажарган, маҳсулотни ўз вақтида топширган, ҳақига келгач, йиллаб овора бўлса, бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин? Ниҳоят иш судга етиб боргач, топилмаган маблағ осмондан тушгандек топилса. Ахир, бу иш судга бормай ҳам ҳал қилинса бўларди-ку?!

Хўш бундан ким зарар, ким фойда кўрди?

**Рустам ХУРРАМОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Adliya tizimi

# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

**"Хорижий инвестициялар тўғрисида" ва "Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Қонунларнинг амалдаги ижроси сифатида Қорақалпоғистон Республикасида ўтган йил давомида 45 та чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатди. Улар томонидан ўлка иқтисодиётига катта миқдорда инвестициялар жалб этилди.**

**Хорижий инвестициялар ва хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида судларга 77.409.786 сўмлик 5 та даъво аризаси киритилди ва улардан 4 таси қаноатлантирилди. Элликқалъа ва Хўжайли туманларида ўтказилган текширишлар асосида солиқ идоралари ва Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига 1 та тақдимнома ва 1 та огоҳнома киритилди.**

**Ўтган давр мобайнида вазирликка хорижий инвестициялар ва хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналар фаолиятига оид 4 та ариза келиб тушди. Солиқ ва божхона қонунчилигининг бузилиши, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилмаслиги юзасидан йўлланган мазкур аризалар судлар томонидан тўлиқ қаноатлантирилди.**

**Хорижий корхоналар ҳуқуқларининг бузилиши бўйича Элликқалъа туман Давлат солиқ инспекцияси инспектори Б.Реимбоев интизомий жавобгарликка тортилди. Шундай ҳолат юзасидан 1 нафар мансабдор шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида прокуратура идораларига таклиф киритилди.**

**Вазирлик томонидан Беруний туманидаги "Лико Рутс" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасининг ерга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишдаги муаммолари ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жараёнида қўшма корхонага ширинмия ва бошқа ўсимликларни етиштириш учун "Олтинсой" ширкат хўжаликлари ҳудудидан 485,2 гектар ер майдони ажратилгани, лекин "Бийбозор" ширкат хўжалигида бу майдоннинг 50,9 гектарига ўзбошимчалик билан пахта ва шоли экилгани аниқланди. Вазирликнинг даъво аризасига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди "Бийбозор" ширкат хўжалиги ҳисобидан "Лико Рутс" қўшма корхонаси фойдасига 3.028.856 сўмлик маблағ ундириш тўғрисида қарор қабул қилди.**



*Аждодларга эҳтиром*

Qonun ko`magi

# КЎЧАТ МОЖАРОСИ

## ижобий ҳал этилди



Ўтган йилнинг қиш пайтида Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманидаги "Олтинсой шароб" ҳиссадорлик жамияти корхона атрофидаги майдонларни кўкаламзорлаштириш ҳақида қарор қабул қилди. Ушбу тадбирни амалга ошириш чоғида арча кўчати топиш муаммога айланди.

"Излаган имкон топади, изламаган баҳона", деганларидек, корхона раҳбарияти тумандаги тадбиркор ва фермерлардан кўчат излашга киришди. Ниҳоят, якка тадбиркор Тошпўлат Абдураҳмоновда улар излаб юрган арча кўчатлари етарли миқдорда мавжудлиги аниқланди.

— Ука, арча кўчати ҳаводек зарур. Буёғи сиз ҳам шу туманда яшайсиз. Юртимиз обод ва кўркам бўлса, сизу бизнинг фахримиздир. Бизга 700 минг сўмлик кўчат етказиб берсангиз. Ҳақини оласиз. — дея корхона раҳбарлари қуюқ ваъдалар беришди.

Тошпўлат ака ҳам оёғи тагидан ўзи етиштирган арча кўчатларига харидор чиққанидан беҳад хурсанд бўлди. Дарров ишга киришди. 2002 йил 10 январ куни 3- сонли ўзаро шартнома тузилиб, қонуний расмийлаштирилди. Шартномага биноан якка тадбиркор Т.Абдураҳмонов "Олтинсой шароб" ҳиссадорлик жамиятига қисқа фурсатда 700 минг сўмлик арча кўчатлари етказиб бериш шартини қабул қилди. Тадбиркор ўз сўзининг устидан чиқди ҳам. 2002 йил 18 январ кунидаги 3-сонли юк хати билан "Олтинсой шароб" корхонасининг ходими Файзулло Каримов 700 минг сўмлик арча кўчатларини тадбиркордан олиб кетди. Шундан сўнг тадбиркор ўз ҳақини кута бошлади.

Ўзаро тузилган шартномага кўра, "Олтинсой шароб" корхонаси олган кўчатларининг пулини уч ой муддатда тўлаши керак эди. Аммо... уларнинг иши битди-ю, тадбиркорнинг маблағни ундиришдаги саргардонликлари бошланди. Корхона бўсағасига қадам қўйган Тошпўлат ака ҳар гал қуруқ ваъдаларни эшитавериб, охири ҳафсаласи пир бўлди. Ниҳоят, сал кам икки йилча вақт ўтгандан сўнг вилоят адлия бошқармасига ўз маблағини ундириб бериш тўғрисида мурожаат этди. Яқинда бўлиб ўтган вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан сарсончиликка якун ясади. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан тадбиркор Т.Абдураҳмонов 700 минг сўмлик асосий қарзини ундириб олди. Узоқ чўзилган кўчат можароси шу тариқа ниҳоясига етди.

**Зокир ШОНИЁЗОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Shartnoma qonunchiligi

*Шартномага асосланган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги қонун ҳужжатларида ҳуқуқбузарлик, деб таърифланади. Соддароқ қилиб айтганда, шартнома мажбуриятларини ижро этмаслик лафсизлик, ғирромлик билан баробар.*

# ЛАФЗСИЗЛИК

## У доим панд беради

Шартнома тузиб, икки тараф мутасаддилари унга имзо қўяди. Буюртмачида ҳам, таъминотчида ҳам эътирозга ҳеч қандай ўрин қолмайди. Чунки у пишиқ-пухта, сифатли, рисоладагидек тузилган бўлиши мумкин. Шартнома шартларини ижро қилиш муддати ва тартиби, тарафларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги ҳужжатда ўз ифодасини топган бўлса, низо келиб чиқишига асос борми?

- Эркин бозор иқтисодиётининг негизини шартномавий муносабатларсиз тасаввур қилиш қийин. Мен раҳбарлик қилаётган "Шердор-Бухоро" масъулияти чекланган жамият амалдаги қонунчиликка риоя этган ҳолда Бухоро туманидаги "Фирдавс ЛТД" ишлаб чиқариш ва савдо корхонаси билан шу йилнинг 8 июл куни қурилиш материаллари етказиб бериш тўғрисида 30-сон шартнома туздик, - дейди Дилором Файзиева. - Шартномага биноан қурилиш материаллари учун олдиндан 100 фоиз пул кўчиришни зиммамизга олдик. Таъминотчи эса тўлов амалга оширилгач, уч кун ичида қурилиш материалларини етказиб беришга сўз берди. Шартнома тузилган куннинг ўзидаёқ буюртмачи таъминотчининг "Ғаллабанк"нинг Галаосиё бўлимидаги ҳисоб рақамига 3, 4, 5 тўлов топшириқномалари билан 14 миллион сўм маблағ ўтказади. Ваъданинг устидан чиқмаслик субутсизликка тенг.

Шундан сўнг буюртмачилар тоқатлари тоқ бўлиб, қурилиш материалларини салкам 3 ой кутишди. Маҳсулот етказиб берувчи эса парвойи фалак юраверган. Ҳатто вилоят ҳудудидан чиқиб кетиб, қочиб юрган. Охири Дилором Файзиева вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Адлия бошқармаси буюртмачи манфаатларини кўзлаб, ишлаб чиқариш ва савдо корхонасидан 16.800.000 сўм ундириб беришни сўраб судга даъво аризасини киритган.

Судда мазкур иш атрофлича муҳокама этилди. Бироқ унга жавобгар тараф иштирок этмади. Аслида у суд ажримини олиб, суд мажлиси ўтадиган вақтдан хабардор эди. Ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисида суд ажрим чиқарди. У тарафларга етказилди. Жавобгар иккинчи мажлисга қатнашишни ҳам ўзига эп кўрмади. У шартноманинг 3.2-бандига амал қилмай ялло қилиб юраверди. Буюртмачининг пул маблағларидан ғайриқонуний равишда фойдаланиб, унинг тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлди. Суд мажлиси жараёнида даъвогарнинг даъвони таъминлаш мақсадида жавобгарнинг мол-мулки ва банкдаги ҳисоб рақамига банд солиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилди. Ажрим чиқарилиб, унинг ижроси суд ижрочилари зиммасига юклатилди. Жавобгарнинг даъвогарга тақдим этган ҳужжатларида унинг Бухоро тумани Чорбакр қишлоғида ҳар хил турдаги маҳсулотлар сотиш учун мўлжалланган омборхонаси борлиги қайд этилган эди. Ижро давомида унинг мол-мулки, асосий воситалари йўқлиги аён бўлди. Бу найрангми ёки лақиллатиш?

Жавобгарга хизмат кўрсатувчи "Ғаллабанк"нинг Галаосиё бўлими маълумотномасига эътибор берсангиз, тепа сочингиз тикка бўлиши ҳеч гап эмас. Олим Самадов 2003 йил 11 июл куни 12-сон тўлов топшириқномаси билан Ғиждувон туманидаги "Лабирўт" қишлоғида истиқомат қилувчи Бахтиёр Муҳайёев жамғармасига 7.118.800 сўм ва 15-сон тўлов топшириқномаси билан Ромитан туманидаги "Ҳазорбоғ" ширкат хўжалигида яшовчи Ихтиёр Файзиевнинг жамғарма ҳисобига худди шунча миқдорда биржа контракт шартномасига асосан қурилиш материаллари сотиб олиш учун пул кўчирган. Хўш, унда нега қурилиш материалларидан дом-дарак бўлмаган? Маълум бўлишича, масъулиятни тамоман унутган жавобгар ҳар икала жамғармачи ҳисоб рақамидан Тошкентдаги "Ўзавтотеххизмат" ОТХЖга ва "Интер миллениум" ОТАЖга автомашина сотиб олиш учун худди шу маблағларни кўчиртирган экан. Кўриниб турибдики, бу номақбул хатти-ҳаракатдан мақсад "Шердор-Бухоро" МЧЖ раҳбари ишончига кириб, унинг 14 миллион сўм пул маблағини қўлга киритиш бўлган. Олим Самадов қонун четлаб ўтиб, ўз манфаатини кўзлаган. Қонун билан ўйнашиш оқибатларини эса хаёлига ҳам келтирмаган.

Даъвогарнинг даъво аризаси суднинг ҳал қилув қарори билан тўлиқ қаноатлантирилди. Жавобгардан 14 миллион сўм асосий қарз, 2,8 миллион сўм устама — жами 16,8 миллион сўм даъвогар фойдасига ундирилди.

Суд Олим Самадов ҳаракатларида ЖКнинг 168-моддаси, 3-қисм, "а" бандида назарда тутилган жиноят аломатлари борлиги учун жиноят иши қўзғади ва хусусий ажрим чиқарди.

Олим Самадов ҳуқуқ ва мажбуриятларни чуқур англаб, шартноманинг амал қилиш муддати ва интизомини бузмаганида бугун боши берк кўчага кириб қолмаган, терговчилар билан рўбару келмаган бўларди. Шартномавий муносабатлар қуруқ ваъдаларни кечирмайди. Чунки қуруқ ваъда — пуч ёнғоқдай гап. Пуч ёнғоқ эса ҳеч нарсага ярамайди.

**Н. ЖАЛОЛОВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Валижон ЮСУПОВ,**
**журналист**

Saboq

# ФОЙДА ЎРНИГА ЧИҚИМ



***Бухоро вилоятининг Пешку туманидаги "Насриддин бобо" фермер хўжалиги ва "Бухородонмаҳсулот" ҳиссадорлик жамиятлари ўртасида 2001 йил 10 октябрда 167-рақамли давлат эҳтиёжи учун дон харид қилиш бўйича контрактация шартномаси тузилган эди.***

Шартномага мувофиқ фермер хўжалиги 17,5 тонна, шу жумладан, 8,7 тонна прейскурант, 8,8 тонна эркин нархда 2002 йил ҳосилидан стандарт талабларига жавоб берадиган дон маҳсулоти етказиб бериш, "Бухородонмаҳсулот" ҳиссадорлик жамияти эса белгиланган муддатда ва нархларда унинг қийматини тўлаш, маҳсулотнинг 50 фоизи миқдорида босқичма-босқич олдиндан бўнак бериш, қолган қисмини эса шартноманинг 2.1 "а" бандида кўрсатилган нархлар бўйича белгиланган муддатларда тўлаши лозим эди.

Ушбу келишувга мувофиқ ҳиссадорлик жамияти "Насриддин бобо" фермер хўжалигига шартноманинг 2.3 "в" бандига мувофиқ олдиндан 509.900 сўм бўнак пули берган.

Фермер хўжалиги аъзолари зиммаларига олган мажбуриятни бажариш учун яхши ният билан ишга киришдилар. Барча агротехника қоидаларига тўлиқ амал қилинди. Мавжуд 10,9 гектар майдонга буғдой уруғи сепилиб, ўз вақтида суғорилди. Экинга етарли миқдорда маъданли ўғитлар билан ишлов берилди.

Лекин деҳқончилик бир томондан об-ҳавога ҳам боғлиқ эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, баҳорнинг серёғин келиши кутилмаган қийинликларни келтириб чиқарди. Энг ёмони, ер захлаб кетганлиги оқибатида буғдой зарарли ҳасва заракунандаси билан касалланди. Кўрилган чораларга қарамай ҳашорат экинни 70 фоизини нобуд қилди.

Табиий офатдан зарар кўрган фермер хўжалигига зарур ёрдам кўрсатилди.

Аммо ҳамма тушунган ҳақиқатни нимагадир "Бухородонмаҳсулот" ҳиссадорлик жамияти мутасаддилари тан олгилари келмади. Шу сабабдан улар Бухоро вилояти хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилишди. Ҳиссадорлик жамияти контрактация шартномасига кўра топширилмай қолган маҳсулот учун 25 фоизлик жаримани, яъни 231.800 сўмни ундириб беришни суд орқали талаб қилди.

Фуқаролик Кодексининг 333-моддасига кўра қарздор айби билан мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавоб беради. Шунингдек, қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, ундан айб соқит қилинади.

Ана шуларни ҳисобга олиб "Насриддин бобо" фермер хўжалиги раҳбари Н.Намозов Бухоро вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилиб, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўради.

Адлия ходимлари унинг аризасига мувофиқ суриштирув ишларини олиб бориб, фермерни мутлақо айбсиз, деган хулосага келишди.

Чунки Пешку тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бош ҳосилоти С.Эгамбердиев, "Ўзагросуғурта" ДАСК туман бўлими бошлиғи С.Асроров, туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси бош ҳосилоти С. Иномов ва фермер хўжалиги раҳбари Н.Намозовлар томонидан 2002 йил 3 май куни тузилган далолатномага мувофиқ фермер хўжалиги маҳсулот топширишдан асоссиз бўйин товлаганлиги тўғрисидаги даъвогарнинг важи ўз исботини топмади. Натижада даъво талаби рад қилинди.

Хулоса шуки, кимгадир айб қўйишдан олдин жиддий ўйлаб кўриш керак. Акс ҳолда фойда ўрнига чиқимдор бўлиб қолиш мумкин.

**Тўра ОХУН,**
**журналист**

Huquqiy ma`rifat

# ШАРТНОМА: ИМТИЁЗ ВА ИНТИЗОМ

***Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги "Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида мажбуриятларни бажаришда томонларнинг ўзаро шартномавий муносабатлари ва уларнинг масъулиятларини янада кучайтиришни такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида"ги қарори қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўлидаги дадил қадам бўлди. Мазкур қарорга мувофиқ, хизмат кўрсатувчи ва тайёрлов корхоналари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар иши юзасидан хўжалик судларига даъво аризаси берилганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, уларни ҳимоя қилувчи туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари давлат божини тўлашдан озод этилади.***

Бундай имтиёзлардан хусусий тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари аввал ҳам фойдаланиб келишган. Янги қабул қилинган қарорга асосан, эндиликда бу имтиёзлардан фойдаланувчилар сафи кенгайди.

Авваллари шартномавий мажбуриятларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифати ва тайёрлов инспекциялари рўйхатга олиш билан кифояланарди. Янги Низом бўйича, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан уларга хизмат кўрсатувчи корхоналар ва тайёрлов ташкилотлари ўртасида тузиладиган шартномалар туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида рўйхатга олинади. Айни пайтда шу ташкилотнинг ўзи мажбуриятларнинг бажарилиши бўйича мониторинглар ўтказиб боради. Ўз навбатида, жойларда шартномалар ижроси бўйича назорат ишларини адлия бўлимлари амалга оширади. Амалга ошириладиган бу каби тадбирларнинг барчаси шартномавий интизомни кучайтириш имкониятини беради.- Шартномалар мониторинги ислоҳотлар назоратини кучайтиришда, тармоқ олдидаги вазифаларни янада аниқ белгилаб олишда, уларнинг бажарилишида самарадорликка эришишда қўлланиши лозим бўлган тадбирларни белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Низомнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шундаки, шартномалар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган хўжаликнинг жойлашган ўрни ва табиий шароитига қараб тузилади. Низомда, шунингдек, шартнома тузувчи ташкилотлар хизмат тараддудини кўриш учун экин-текин мавсуми бошланишидан бир ой аввал хўжаликка ўз вакилини юбориши қайд этилган. Эндиликда деҳқон ва фермер ҳамда ширкат хўжаликлари айни йиғим-терим мавсумида қимматли вақтларини кетказиб, тегишли ташкилот ва тайёрлов корхоналарига югуриб-елиб, катта меҳнат эвазига етиштирган маҳсулотларини сотиб олишни сўраб бормайди. Низомда шартномавий режаларга алоқадор низолар бўйича, хўжалик суди томонидан шартномада иштирок этган томонлардан ташқари, учинчи шахс, хусусан, шартнома шартларини бузишда айбдор хизмат кўрсатувчи корхоналар ҳам жавобгарликка тортилиши мумкинлиги кўзда тутилган.

Низомга кўра, шартномавий режада давлат эҳтиёжи учун сотилиши талаб этилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг миқдори ҳамда нави кўрсатилиши шарт. Амалда баъзан қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчилар шартномавий режаларини уддалаган бўлса-да, улардан шартномавий режадан ташқари устама мажбуриятларни бажариш талаб қилинмоқда. Айрим ҳолларда деҳқон ва фермер ҳамда ширкат хўжаликларининг ҳуқуқи очиқдан-очиқ бузилиб, уларда қисман қолиши керак бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳам тортиб олиниш ҳолатлари учрамоқда. Шу боис, Низомда шартнома тузишга жиддий муносабатда бўлиш муҳимлиги таъкидланган. Деҳқон ва фермер, шунингдек, ширкат хўжалиги тайёрлов ташкилоти ёки хизмат кўрсатиш корхонасининг ваколатли вакили томонидан тақдим этилган шартнома лойиҳасини олганидан сўнг 7 кун давомида уни ҳар томонлама пухта ўрганиб, камчилик ва эътирозлар йўқлигига чуқур ишонч ҳосил қилгач, имзо чекиб, уни тайёрлов ташкилотига топширади.

Маҳсулот етиштирувчи хўжаликлар томонидан шартнома лойиҳасидаги айрим ноаниқлик ёки камчиликларга эътироз билдирилиши зарур бўлган ҳолларда қайси ташкилотларга мурожаат этилиши ҳам Низомда аниқ кўрсатилган. Яъни бундай вазиятларда деҳқон ва фермер ҳамда ширкат хўжалиги, аввало туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасини хабардор қилади ва айни пайтда тайёрлов ташкилотига, хизмат кўрсатиш корхонасига ўз қарори-(протокол)ни тақдим этади. Тайёрлов ташкилоти ва хизмат кўрсатиш корхоналари, ўз навбатида, бу қарорни олгач, 7 кун ичида (зарурат туғилганда туман қишлоқ ва сув хўжалиги вакили иштирокида) қайта кўриб чиқади, эътирозлар юзасидан шартнома шартлари лойиҳасига тузатишлар киритади ёки шу муддат ичида келишмовчиликларни мувофиқлаштириш бўйича ариза билан хўжалик судига мурожаат этади. Хўжалик судлари масалани чуқур ўрганиб, билдирилган эътирозларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот етиштирувчи ҳамда тайёрлов ташкилотлари ва хизмат кўрсатиш корхоналари ўртасида тузилган шартнома шартлари лойиҳасига имзо чекиш бўйича қарор чиқариши мумкин. Зеро, эндиликда тайёрлов ташкилотлари ва хизмат кўрсатиш корхоналари, аввалгидек, шартнома шартларига бир томонлама муносабатда бўлиб, имтиёзли имкониятларни ўз фойдасига ҳал этолмайди. Низомда шартнома тузишда иштирок этувчиларга ҳам кенг ҳуқуқлар берилган.

Шунингдек, Низомда маҳсулот етказувчилар олдига тайёрлов ташкилотлари ва хизмат кўрсатиш корхоналар билан тузган шартнома шартларининг бажарилишини таъминлаш бўйича ҳам тегишли мажбуриятлар юклатилган. Масалан, тайёрлов ташкилоти зиммасига шартномада кўрсатилган муддатларда, маҳсулот турлари бўйича қайд этилган миқдорда сифатли маҳсулот етказиб бериш мажбурияти қўйилган.

Айни пайтда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги қарорини атрофлича тушунтириш, мамлакатимиз ҳукумати томонидан давлат аҳамиятига молик бу муҳим ҳужжат мазмун-моҳиятини тарғибот-ташвиқот қилиш бўйича бир қанча тадбирлар белгиланиб, жойларда қизғин фаолият олиб борилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларнинг жадал суръатларда ўтказилаётганидан, энг муҳими, ишлаб чиқарувчилар манфаати давлат муҳофазасига олинаётганидан далолатдир.

**Холмирза МАТКАРИМОВ**



*Ёмғирда ювилган йўллар*

Talab, taklif, mulohaza

# АТАМА: ТИЛ ВА МАНТИҚ УЙҒУНЛИГИ

Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ соҳасида кенг қамровли туб ислоҳотлар амалга оширилди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, туб ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини яратишда ҳуқуқшунослик фанлари тараққиёти муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис, жиноят, жиноятчилик, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш масалаларини ўрганувчи фанлар ривожланишга юз тутди. Бунга икки жилдли "Давлат ва ҳуқуқ назарияси", "Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асослари" хрестоматияси, "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи", "Фуқаролик ҳуқуқи", "Меҳнат ҳуқуқи", "Оила ҳуқуқи", "Халқаро ҳуқуқ", "Маъмурий ҳуқуқ" каби бир қанча дарсликларнинг яратилганини мисол сифатида келтириш мумкин.

Бундай янги дарсликларнинг яратилиши ҳуқуқшунослик фани тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиши шубҳасиз. Лекин шу ўринда уларнинг номланиши ҳақида айрим мулоҳазаларни айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, "Жиноят ҳуқуқи" ва "Жиноят процесси" (махсус қисм) дарсликларининг бу тахлитда номланиши мантиққа зидлиги билан киши эътиборини тортади.

Чунки "жиноят ҳуқуқи" тушунчасининг мазмунига эътибор берадиган бўлсак, у шубҳасиз, "жиноятнинг ҳам ҳуқуқи бор эканда" деган маънони англатади. Ҳолбуки, кишилик жамиятида жиноятга ҳали ҳуқуқ берилмаган ва берилиши мумкин ҳам эмас. Ахир, жиноятнинг ҳам қонуни бўладими? Дарслик муаллифлари ушбу атамаларга мантиқ ва ўзбек тили қонун-қоидалари асосида ёндашишганда эди, бундай ғализлик юзага келмасди.

Масалан, "Жиноят ҳуқуқи"-ни жиноятга қарши кураш ҳуқуқи, юрисдикцион ҳуқуқ ёки юрисдикциявий ҳуқуқ деб аташ мумкин. Тўғри, жиноятга қарши кураш ҳуқуқи деганда "қарши" сўзи кишига бироз қўполроқ туюлади. Лекин амалда бутун дунёда кишилик жамияти жиноятга қарши курашади. Зеро, ҳар бир қонунга итоатсизлик ёки ҳар бир ижтимоий хавфли қилмиш жиноятни келтириб чиқариши айни ҳақиқат-ку? Қолаверса, қонун жиноятга қарши кураш учун яратилади-ку.

Юрисдикция атамаси қонунчиликда халқаро мақомга эга. Юрисдикция сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, "суд иши" деган маънони англатади ва бу атама ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш, судлов ишларини олиб бориш ҳуқуқи тушунчасини ифода этади. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси томонидан чоп этилган "Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар" луғатида ҳам юрисдикция атамасининг тушунчаси худди шундай таърифланган.

Энди "Жиноят процесси" атамасига тўхталадиган бўлсак, "процесс" сўзи ўзбекчада жараён демакдир.

Демак, жиноят процесси деганда жиноят жараёнини тушунилади. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: талабага жиноят жараёнини ўргатиш керакми? Кўриниб турибдики, ғализ атама. Агар "Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар луғати"га мурожаат этадиган бўлсак, унда "процесс" ва "процессуал" атамаларига ҳам изоҳ берилган. «Процесс» сўзи икки тушунчани ифода этиб, ҳодисалар ҳолати, тараққиёт босқичлари ва бошқаларнинг изчил алмашиниб туриши — жараён; суд иши, тергов, маъмурий ва суд фаолияти деб талқин қилинган. "Процессуал" сўзига эса «ҳуқуқ тизими меъёрларининг бир қисми бўлиб, у жиноятларни тергов қилиш, жиноий, фуқаролик, арбитраж, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш жараёнида келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солади», деб нисбат берилган. Шундай экан, бу ҳақдаги дарсликни "Жиноят процесси" (Жиноят жараёни) деб эмас, балки "Жиноятга қарши процессуал ҳуқуқ" ёки "Юрисдикцион процессуал ҳуқуқ" ёхуд "Юрисдикциявий процессуал ҳуқуқ" дея аталса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳозирги пайтда кафедрамиз аъзолари шу пайтгача амалда бўлган "Жиноят ҳуқуқи" ва "Жиноят процесси" дарсликларининг умумий, махсус ва процессуал қисмлари асосида умумий, махсус ва процессуал қисмлардан иборат бўлган "Жиноятга қарши ҳуқуқ назарияси" дарслигини яратиш устида иш олиб боришмоқда.

Ушбу ҳуқуқий мажмуанинг биринчи китобига жиноят ва жиноятчилик, Ўзбекистон Республикасида жиноятга қарши ҳуқуқни шакллантириш ва барқарорлаштириш; жиноятга қарши ҳуқуқнинг инсоний тарбия билан мутаносиблиги; Жиноятга қарши ҳуқуқда янги ўзбекона руҳнинг яратилиши моҳияти; жиноятга қарши ҳуқуқнинг умумбашарият тақдирига нисбатан ижобий таъсир доираси каби мавзулар киритилиши режалаштирилган.

Албатта, биз юқорида ўзимизнинг шахсий фикр-мулоҳазаларимизни баён этдик. Бундай таклифларимизнинг нечоғлик ўринли экани ҳақида ҳуқуқшунос олимлар, амалиётчилар, тадқиқотчилар, атамашунослар муносабат билдиришади, деб умид қиламиз.

Зеро, ҳақиқат баҳс ва мунозараларда туғилади.

**Муртазо АБДУНАЗАРОВ,**
**Гулноза АБДУНАЗАРОВА,**
**Жиззах Давлат педагогика институти ўқитувчилари**

Fazilat

# ТАНТИЛИК

Абди ака бир умр элнинг назарида бўлди. Турли лавозимларда сидқидилдан ишлаб, обрў-эътибор топди. Бироқ ҳамма нарса ўткинчи экан. Кексайган чоғида у вақтида кўплаб адашганларни тўғри йўлга солиб, ўзининг якка-ю ёлғиз ўғлига келганда доғда қолганини англаб етди. Энди туриб-туриб, "Э, аттанг-аттанг", деган билан сира фойдаси йўқ.

Энг ёмони, бошига тушган кўргиликларга ўзи айбдор экани унинг юрагидаги аламни баттар оширарди.

Ёлғиз ўғил деб, Сотволдига қишлокда ҳеч ким киймаган кийим-кечакларни олиб берди, велосипеддан тортиб автомашинагача миндириб қўйди. Ўша йиллари унинг ўғлининг ахлоқ-одоби тўғрисида гап очган қўни-қўшни, қарияларга жавоби битта эди:
- Менинг ўнта ўғлим йўқ. Шундай экан, ёлғиз ўғлимдан борбудимни аямайман...

Умр оқар сувдек тез ўтар экан. Ўшанда у раҳматли хотинининг гапини эшитиб, ҳайрон қолганди:

- Ўғлингиз мактабни битиряпти, юрист бўлармиш, - деган эди хотини. Буни эшитиб, у довдираб қолди. Наҳотки умр шунчалик тез ўтибди. У кечагина ёш бола эди-ку:

- Ўғлимиз мактабни битирадиган бўлиб қолганини мен билмабман, - деди ота ҳайрон тортиб.

Чунки бирор марта ўғлининг нимага қизиқишини, ҳатто ёшини суриштирмаганига унинг ўзи ҳам ҳайрон эди.

Эркатой бўлиб ўсган Сотволди уч ойга қолмай институтни ташлади. Сартарошликка ўқийман деб шаҳарда яна бир йил дайдиб юрди.

Шу орада уйдаги тўйга деб атаб олиб қўйилган ўрам-ўрам бахмалдан тортиб, қўша-қўша тикув машинасигача сотилиб кетганини ота-онадан бўлак ҳеч ким билмади. Ўзингдан чиққан балога, қайга борай давога, деб шунга айтишса керак-да?!

Кейин Сотволди жиноятга қўл уриб, судланди. Темир панжара ортида ўтирган ўғлини кўрган ота биринчи марта "э, аттанг, аттанг-а," деб пешонасига урди.

Орадан кўп ўтмай касалманд кампири ҳам ғам-алам билан дунёдан ўтиб кетди. Оиладаги кўнгилсизликлар туфайли Абди аканинг ишга ҳам ҳафсаласи қолмади. Нурсиз ўтаётган кунларнинг бирида "Амнистия тўғрисида"ги Президент Фармони туфайли Сотволди муддатидан илгари озодликка чиқди.

Ўтган ишга саловат, деган гапга амал қилиб, ота ўғлини кечирди. Бообрў хонадоннинг қизини келин қилиб, тўй ўтказди. Шаҳарда сартарошлик қилиб юрган Сотволди бир йил ўтмай қандайдир фирмага ишга ўтди ва "ора-сира иш кўпайганда ётиб қоламан", деб шаҳардан чоғроқ уй сотиб олишга отасини кўндирди. Шу орада неварали бўлган Абди ака ёруғ кунлар келганидан ўзида йўқ хурсанд эди.

Лекин оиласини шаҳарга кўчириб кетиш учун келган Сотволдининг айтган гаплари дили тағин хуфтон бўлди.

- Биз энди келинингиз билан шаҳарда яшаймиз, - деди Сотволди отасининг кўзига қарамасликка тиришаркан, - уйни сотишимиз билан сизни ҳам олиб кетаман.

- Мендан хотиржам бўл, - деди ҳали ҳеч нарсага тушунмаган Абди ака, - онанг яшаган, қолаверса, сен туғилган уйни ташлаб, танимаган жойда нима қиламан?!.

- Раҳматингиз нимаси, мен ҳазиллашаётганим йўқ, - деди совуқ оҳангда ўғли. Уйни сотиб, пулига машина оламан...

- Бир эмас, учта машинани тамом қилдинг, - деди Абди ака жаҳли чиқиб. - Энди ўзинг ҳалол меҳнат қилиб, машина оласан. Тушундингми?

- Алмисоқдан қолган гапларингизни йиғиштиринг, бобой, - деди ўрнидан туриб кетган ўғли, - уйни сотишга келишганман, гап тамом-вассалом. Хамир учидан патир сифатида харидордан озроқ пул ҳам олиб қўйганман...

Ўғли шу гапларни айтиб, уйдан чиқиб кетди. Абди ака эса ўйлана-ўйлана охири, ўғлим тушмагур ёшлигига бориб, мени бир синаб кўрдиёв, деб қўя қолди.

(Давоми тўртинчи бетда)

# ҚИСМАТ ЎЙИНИ

СУД ОЧЕРКИ

Jinoyatga jazo muqarrar

**I. СУРАТ**

Қандия опа икки кун бурун алпоқ-чалпоқ туш кўрганди. Яхшиликка қанчалик йўймасин, барибир, кўнглининг бир четидан хижиллик йўқолмади. Қандайдир кўнгилсизлик рўй берадигандек хавотири ошди. Охир-оқибат буни ичига сақлаб туришга сабри чидамади, эрига кўнглини ёрди.

— Ҳозир кўклам бўлса, тушга нималар кирмайди, — дея тасалли берди Сиддиқ ака. — Бола-чақанг тинч, сен тинч, мен тинч, яна нимадан ташвиш тортасан?

Бироқ ўшанда тун иккинчи ярмига етганда ташқаридан уй деразасини кимдир чертгандай бўлди. Қандия опа тушимми, ўнгимми, дея қўрқув ичида бир пас қулоқ тутди. Ўнгида экан, бу гал дераза шишаси аввалгидан бироз қаттиқроқ чертилди. Опа ўрнидан туриб чироқни ёқди. Дераза пардасини бир четга қайириб ташқарига қаради. Турмуш ўртоғи билан бирга ишлайдиган таниш кишига кўзи тушди.

— Янга, зарур бўлиб қолди, юринг, машинада бир жойга борамиз, — деди бемаҳал йўқлаб келган одам.

Шу тобда Қандия опанинг хаёлидан нималар кечмади, дейсиз?! Болаларининг отаси билан бирга ишлайдиган одам бемаҳалда келибдими, демак, нимадир рўй берган. Акс ҳолда бу одам ўзини ҳам, ўзганинг ҳам тинчини бузиб ярим тунда кўчада юрмасди. Қандия опанинг хавотири баттар ошди.

Бояги одам касалхонага кетаётиб, Сиддиқ акани ўғрилар пичоқлаб кетганини айтди. Қисқаси, тунги соат 3.00 ларда бошланган операция эрталаб саккизларда тугади. Номаълум кимсалар С.Солиҳовнинг ҳаётига тажовуз қилиб, беш марта унинг танасига пичоқ урган, хавфли оғир тан жароҳати етказганди. Айниқса, чап ўпканинг санчилик кесилишига даъво топиш қийин эди. Ўпканинг жароҳатланган қисмини операция чоғида олиб ташлашдан ўзга илож топилмади. С.Солиҳов ажал билан узоқ олишди. Шифокорлар унинг қил устидаги ҳаётини минг бир машаққат билан сақлаб қолишди.

Эртаси куни Сиддиқ ака ҳушига келиб, кўзини очди. Кўп қон йўқотганидан ранги докадек оқариб кетган, мажолсиз эди. У ҳаётини таҳликада қолдирган одамларни аввал кўчакуйда кўрган бўлса-да, исмларини билмасди. Милиция ходимлари кўрсатган суратлардан бирига узоқ тикилиб турди-да кўрсаткич бармоғи билан "ана шу" маъносида ишора қилди. Бу Ургут шаҳар У.Юсупов кўчаси 22-уйда яшовчи Икромжон Раҳматов эди...

**II. ПИЧОҚНИ УРГАН САЛОҲИДДИН**

2003 йилнинг 27 апрел якшанба куни эди. Салоҳиддинга иш кунини, дам олиш кунини фарқи йўқ, чунки у ҳеч қаерда ишламасди. Арoқ ичишга имкон бўлган кун унга гўёки байрам эди.

Ўша якшанба куни Салоҳиддин маҳалласидаги танишлари билан икки шиша ароқни "баҳам" кўргач, уйига қайтиб келди. Укаси Икромга "тайёрланиб тур, кечаси овга борамиз," деди-ю, бироқ қаерни ўмаришни мўлжаллаётганини айтмади. Фақат ярим тунда уйдан чиқиб, Ургутнинг Янгибозори томон пиёда кетаётганларида, у акасидан эшитдики, бозор ҳудудида ўғирлик қилинади.

Соат бир, биру ўттизлар оралиғида бозор ҳудудига етиб борган ака-ука Раҳматовлар аввал бироз айланиб юриб, атрофни кузатишди. Ҳеч ким йўқлигига амин бўлишгач, Салоҳиддин қаршисидаги дўконни укасига кўрсатди. У ичган ароқнинг таъсиридан ҳамон ўзига келмаган, ҳаракатлар ҳушёр одамдек чаққон эмасди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Jahon tajribasi

# БМТ КОНВЕНЦИЯСИ ВА ФУҚАРОЛИК ҚОНУНЛАРИ

***Давлат мустақиллигига эришгандан сўнг мамлакатимизда бозор муносабатлари тизими шакллантирилди, унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрлари устуворлиги Конституциямизда белгилаб қўйилган. Бу борада оммавий ҳуқуқ соҳаларига нисбатан хусусий ҳуқуқ соҳасида имкониятлар кенгроқ. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Биринчидан, халқаро меҳнат тақсимоти ва дунё бозори тизими реал воқелик ҳисобланади. Иккинчидан, жаҳон бозори тизими ўзига хос ягона ҳуқуқий майдонни тақозо этади. Бу эса барча мамлакатлар миллий ҳуқуқ тизимларини яқинлаштиришга ундайди. Бошқача айтганда, миллий ҳуқуқ тизимидаги фарқларни бартараф этиб, бир хил қоидалар асосида иш кўриш барча давлатлар манфаатларига мос.***

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда бу борада бекиёс ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиёти очиқ тизим бўлиб, барча субъектлар билан ҳамкорлик қилиш, инвестициялар жалб этиш, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни рағбатлантириш устувор йўналиш сифатида эътироф этилган. Президентимизнинг ҳар бир корхона ўзининг хориждаги шеригига эга бўлсин, деган кўрсатмасида улкан маъно бор. Хорижий субъектлари учун, албатта, ўзига хос ҳуқуқий замин, асос керак, хатти-ҳаракат қоидалари зарур. Айни вақтда бу хатти-ҳаракат қоидаларига ўзбекистонлик субъект ҳам, хорижий субъектлар ҳам қатъий оғишмай риоя қилишлари шарт. Риоя қилиш учун эса субъектлар ўша ҳуқуқий асосларни пухта билишлари лозим. БМТнинг товарларни халқаро олди-сотдиси шартномалари тўғрисидаги Конвенцияси турли давлатларда фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги савдо-сотиқни тартибга солувчи шундай муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Хўш, мамлакатимиз қонунларида Вена Конвенцияси қай даражада ўз ифодасини топган?

Аввало, Вена Конвенцияси ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини мазмуни ўртасидаги умумийликлар кўплигини таъкидлаш мумкин. Янги Фуқаролик кодексимиз мазмунидан хабардор мутахассис Вена Конвенцияси билан биринчи танишганданоқ бу умумийликни, туташ жиҳатларни яққол пайқайди.

Фуқаролик кодексининг 393-моддасида сотувчи товарни сотиб олувчига, учинчи шахсларнинг ҳар қандай ҳуқуқларидан озод ҳолда, топшириш шарт, сотиб олувчи учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бўлган товарни қабул қилишга розилик билдирган ҳоллар бундан мустасно, деб кўрсатилади. Бу қоида Конвенциянинг 41-моддасида ифодаланган.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Вена Конвенцияси меъёрларига мазмунан мос меъёрлар нафақат Фуқаролик кодексининг олди-сотди шартномаси умумий қоидаларида, балки маҳсулот етказиб бериш шартномасига бағишланган қисмларида ҳам учрайди. Айни вақтда, Фуқаролик кодексининг умумий қисмидаги шартномаларни тузиш тартиби, оферта ва акцепт бўйича кўпгина қоидаларида Вена Конвенциясига ҳамоҳанглик бор.

Биз Вена Конвенцияси билан Ўзбекистон қонунлари айнан бир хил мазмунда, деган фикрдан йироқмиз. Қонунларимиздаги баъзи меъёрлар мамлакатимиз тарихий тараққиёт босқичи, иқтисодий ривожланиш даражаси ва баъзи ҳолатлар бўйича бозор муносабатларини шакллантиришнинг дастлабки босқичлари билан боғлиқ. Масалан, Конвенциянинг 12-моддасида товарларнинг халқаро олди-сотди шартномаси тузилиши, ўзгартирилиши ёхуд бекор бўлиши нафақат ёзма, балки ҳар қандай шаклда ҳам намоён бўлишига йўл қўйиш белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунда хўжалик шартномалари (яъни тадбиркорлик соҳасидаги шартномалар), албатта, ёзма тузилиши шартлиги назарда тутилади. Хорижий тижорат субъектлари билан Ўзбекистон Республикасидаги хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги жуда кўп турдаги экспорт ва импорт контрактлари шаклига нисбатан қатъий белгиланган талаблар мавжуд. Кўп ҳолларда улар Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейингина юридик кучга эга бўлади. Бундай талаблар ўтиш даври шароитлари, валюта ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, экспорт-импорт контрактларининг қонунга мувофиқ тузилиши ва айниқса, бизнинг хўжалик юритувчи субъектларимиз тажрибасизликлари туфайли баъзи ғирром, ноинсоф субъектларга алданиб қолишининг олдини олишга қаратилгани шубҳасиздир.

Вена Конвенциясида шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлик асослари сифатида (45-модда 1-банди ва 61-модда 1-банди) контрагентли шартнома ёхуд Конвенция бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги кўрсатилади. Бу зарарни ундириш учун асос бўлади. Конвенцияда шартнома шартларини бузганлик оқибатлари, масалан, ижрони кечиктирганлик, лозим даражада бажармаганлик ва ижрони амалга ошириш имкониятларининг йўққа чиқарилиши фарқланмайди.

Бизнинг Фуқаролик кодексимизда эса (333-модда) жавобгарлик асосида "айб" муҳим ўринни эгаллайди, Конвенцияда эса айб эслатилмайди. Албатта, бу билан Конвенция номукаммал демоқчи эмасмиз. Аксинча, бу ўринда меъёрларнинг конструктив тузилишида тафовутлар борлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Эҳтимол, мамлакатимизда "Маҳсулот етказиб бериш тўғрисида" ёки "Олди-сотди тўғрисида қонун" қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлар.

Илмий техника тараққиёти савдо-сотиқ битимлари шакли ва уларни тузиш тартибига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Эндиликда олди-сотди шартномалари, биржа битимлари электрон воситалар орқали тузилиши одатий ҳолга айланиб қолди. Электрон воситалар орқали битимлар тузиш жуда кўп афзалликларга эга. Бироқ қонунларда уларни қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари ўз ифодасини топиши лозим. Ҳозирда электрон имзо, электрон тижорат бўйича меъёрлар мамлакатимиз ҳуқуқ тизимига фаол кириб келмоқда.

Умуман олганда, савдо-сотиқнинг анъанавий, ноанъанавий ва янги шакллари ҳам ҳуқуқий тартибга солиш тизимида жиддий ўзгаришларни талаб этмоқда. Ушбу масалани ҳал этиш нафақат фуқаролик ҳуқуқи, халқаро хусусий ҳуқуқ, балки тадбиркорлик ҳуқуқи, ҳуқуқ назарияси мутахассислари олдига ҳам жиддий вазифаларни қўяди. Энг муҳими, уни ҳал этишда бу борадаги Халқаро Конвенциялар ва битимлар, ривожланган мамлакатлар тажрибаси қўл келишини доимо ёдда тутиш лозим.

**И. ЗОКИРОВ,**
**юридик фанлари доктори,**
**профессор**
**О. ОҚЮЛОВ,**
**юридик фанлари доктори**

Oqibat

# КЕЧИККАН МЕРОСХЎРЛАР

Дунёнинг ишлари қизиқ экан. Ҳаётда оддийгина лафзсизлик, меҳр-оқибатни унутиш кўпгина оворагарчиликларни келтириб чиқаради. Адҳамжон Мирзаев Андижон шаҳардаги, "Ишчилар" кўчаси 29 "а" уйни узоқроқ қариндоши Наримон Аҳмедовдан сотиб олди. Бу ҳақда Андижон шаҳар 2-сон давлат нотариал идораси томонидан олди-сотди шартномаси тасдиқланди. Ўшанда 1989 йилнинг 6 июли эди.

Бу ҳовлида у оила аъзолари билан яшар, қўшни 29 уйда эса, унга уйини сотган Наримоннинг онаси Уминса Аҳмедова турарди. Наримон аввалги хотини билан ажрашган, иккинчи хотини билан кичик даҳадаги уйларнинг бирида яшар, онасидан на у, на унинг аввалги хотинидан бўлган бола-чақалари хабар олишарди.

Табиийки, бундай меҳр-оқибатсизликдан бечора она мунғайиб қолди. Бунинг устига кекса кампирга ёлғиз яшаш осон эмас эди. Шунинг учун у ўзгаларнинг ёрдамига муҳтож эди. Адҳамжон Мирзаев ва унинг оила аъзолари кампирдан меҳр-мурувват, саховатларини дариғ тутишмади. Унинг иссиқ-совуғидан хабар олиш туришди. Ёлғиз кампирга бундан ортиқ нима ҳам керак эди?!

Адҳамжоннинг оила аъзолари ҳам онахонни ўзларининг бувиси сингари ардоқлашди, уни парваришлаб, моддий жиҳатдан ҳам таъминлаб туришди.

Ўзининг фарзанди-ю невараларидан меҳр-оқибат кўрмаган Уминса эна Аҳмедова ўзига тегишли бўлган 29 уйни ва бошқа мулкларни Адҳамжон Мирзаевга васият қилиб қолдирди. Васиятнома 1999 йил 28 сентябр куни Андижон шаҳар 2-сон давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланди. Бу билан кампир ўзи кўрган меҳр-мурувватга кўзи тириклигида жавоб бериб қўймоқчи бўлди, чоғи... Аслида эса Мирзаевларнинг унга меҳр-мурувват кўрсатишдан мақсади уй-жойни эгаллаш эмасди. Ахир, дунёда одамгарчилик, меҳр-оқибат деган улуғ фазилат ҳам бор-ку!..

Умр экан, онахон 2002 йил 4 июн куни вақти қазоси етиб, бу дунёдан кўз юмди. Шундан сўнг ўша йили 5 декабр куни Андижон шаҳар 1-сон давлат нотариал идораси томонидан васиятномага асосан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилди.

Буни қарангки, кампирнинг ўлимидан сўнг уйининг эгалари чиқиб қолди. Унинг набираси Оминахон Аҳмедова, бир вақтлар ажрашиб кетган ота-онаси Ибодатхон ва Наримон (кампирнинг ўғли) Аҳмедовлар уйга кириб олишди.

— Мен шу уйда туғилганман. Ота-онам ажрашгунларига қадар шу уйда яшаганман, — дейди Оминахон. — Улар ажрашгач, онам билан бирга Оқёр қишлоғидаги уйда яшаганмиз, отам эса иккинчи хотини билан Андижон шаҳридаги 2-кичик даҳада жойлашган уйда яшаган. 1980 йили турмушга чиққанимда сўнг Оқёр қишлоғидаги Дўм маҳалласи, 51-уйда яшаб келаман. Катта онамнинг уйи бизники бўлиши керак. Отам Мирзаевлар оиласига фақат ўзининг қисмини сотган.

(Давоми тўртинчи бетда)

# ТАНТИЛИК

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Бироқ чойхонада Ҳабибулла оқсоқолнинг айтган гапидан кейин сир бой бермаса-да, ичидан зил кетди.

- Ҳовлингиз сотилаётганмиш, шундан ўзингизнинг хабарингиз борми? - деди оқсоқол талмовсираган куйи.

- Хабарим йўқ, - деди Абди ака чўрт кесиб.

- Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим, - деди оқсоқол, - кечга идорага чиқинг, шу тўғрида гаплашиб оламиз...

Аслида маҳалла қўмитаси раиси бу масала билан уч кундан бери шуғулланаётган эди. Туман суди раисига Собирхон деган йигит оғзаки мурожаат қилиб, Сотволди деган йигит уйини нархлаб унга сотганини, озроқ пул олиб, қочиб юрганини, судга бермоқчилигини айтган. Суд раиси масалага ойдинлик киритиш учун Собирхонни оқсоқолнинг ҳузурига жўнатган эди.

Абди ака маҳалла идорасига кириб келганда у ерда бир бегона норғул йигит ҳам ўтирганини кўрди.

Ҳол-аҳвол сўрашишгач, Ҳабибулла ота мақсадга кўчди: - Уйингизни сотишга розилик берганмисиз?

- Ўғлим бир учини чиқаргандай бўлганди, - деди у бир оқсоқолга, бир меҳмон йигитга жавдираб қарар экан. - Лекин мен бунчалик жиддийлигини билмасамда, рози бўлмагандим.

- Ота, уйингизнинг харидори мен бўламан, - деди нотаниш йигит стулни Абди аканинг ёнига сураркан. - Исмим Собирхон, асли кўкоралликман. Ҳовлингиз қишлоқ марказида экан. “Гавҳар” деган фирмам бор. Шу жойда хизмат кўрсатиш шахобчалари очмоқчи эдим.

— Собирхоннинг нияти ёмон эмас экан, — деди оқсоқол ўйга толиб, — аммо маслаҳат пухта бўлмаган экан-да. Сиз очмоқчи бўлган нонвойхона, сартарошхона, тикувчилик цехи қишлоққа сув билан ҳаводай зарур. Лекин шу ерда бир умр яшаган отахон қаёққа боради?

— Ота, – деди Собирхон Абди аканинг елкасига қоқиб, — сиз асло хафа бўлманг. Мен одамларни хурсанд қилиш, оғирини енгил қилиш учун бу ишларга киришганман. Садқаи кўз ёшларингиз кетсин. Мен ҳаммасига энди тушундим.



Хотиржам бўлинг, уйингиз ўзингизга буюрсин. Яна узоқ йиллар шу уйларда яшайсиз, тўйлар қилинг. Мана, ота-бола бўлиб қолди, ўша кунларга бизни ҳам етказсин. Пича вақт кетса ҳам янги қурилиш қиламиз.

— Қизиқ аҳволда қолдикку, — деди рангига сал қон югурган оқсоқол, — Сотволдига ширинкама бериб қўйганингиз тўғрими?

— Гапиришга арзимайди, — деди самимий оҳангда Собирхон, — озгина пул бергандим. Шу табаррук отахоннинг ҳурмати учун ўша пулдан кечдим.

Кейин Собирхон нималарнидир қоғозга ёзди-да, оқсоқолга гувоҳ сифатида имзо қўйишни илтимос қилди. Бу берилган пул ва уйга даъвогарликдан воз кечганлик ҳақида тилхат эди.

Абди ака тилхатни ўқигач, шартта ўрнидан туриб, Собирхонни қучоқлаб олди. Узундан-узун дуо қилиб, пешонасидан ўпди. Унинг кўзларида хурсандчилик ёшлари йилтиради.

— Шунчалик тантилик қилдингиз болам, келинг, мен ҳам бир таклиф айтай, — деди ўпкаси тўлиб Абди ака. — Юринглар, бизникига борайлик...

Ноилож икковлон унга эргашишди. Улар Абди аканинг ҳовлисига етиб келишгач:

— Ҳойҳотдай ҳовлини нима қиламан, — деди Абди ака уларга юзланиб, — ҳамқишлоқларим учун шунчалик жон куйдираётган экансиз, этак томондаги бинолари билан ҳовлини ярмини шу йигитга текинга бердим. Тантиликка мен ҳам тантилик қилдим.

— Ундай бўлса, — деди Собирхон, — бояги гап ўз кучида қолади. Қўшимча шуки, келишилган иморатларни фирмамиз ижарага олади.

— Ижара-пижараси йўқ, — деди Абди ака астойдил, — шу қишлоқнинг сув-тузини ичиб яшадим, оиламни боқдим. Бемалол фойдаланаверинглар, мен мингдан-минг розиман.

Шу пайт ҳовлига кириб келган Сотволди отасининг олдида бош эгиб, узр сўради. У тўғри маҳалла идорасидан келаётган эди.

— Калта ўйлаб, нотўғри иш қилиб қўйдим, ота, — деди у йиғламоқдан бери бўлиб, — бошингизни балога қўйдим, узр.

Унинг гапини Собирхон бўлди.

— Отангиз ҳовлини бир

**Fazilat**

қисмини ижарага бердилар. Энди орамизда олди-берди деган гап йўқ. Ҳаммаси рози-ризочилик билан бўлди, мен розиман.

Халқимизда “Бирникимингга, мингники туманга” деган ҳикматли гап бор. Оқсоқолнинг оқилона иши ва Собирхоннинг тантилиги билан қишлоқ марказидаги эски ҳовли-жой дилтортар масканга айланди.

Шаҳардан кўчиб келган Сотволди аввал шу ерда сартарошлик қилди, бир йилдан буён эса хизмат кўрсатиш мажмуининг раҳбари. Хотини тикувчилик цехида ишлаяпти.

Абди ота эса яқинда қишлоқнинг бир йиғинида ўғли тўғрисида ўз қулоғи билан эшитган гаплардан беҳад мамнун бўлди. Юз ёшини қаршилаётган қишлоқнинг энг кексаси Халил ота Сотволдини шундай дуо қилди:

— Қазисан-қартасан, асли наслингга тортасан деганларидай, Сотволди отасига тортибди, барака топсин!

Бу гапни эшитган Абди ота қувонч билан “Оққан дарё оқаверади” деганлари шу бўлса керак-да, деб ичида қайта-қайта шукрона айтди.

**Рустам ХУДОЙҚУЛ, “Инсон ва қонун” мухбири**

**Yangi darsliklar**

***Яқинда Тошкент Давлат юридик институти “Хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи” кафедраси ҳамда институт профессор-ўқитувчилари томонидан олий ўқув юртлари талабалари учун “Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи” дарслиги босмадан чиқарилди.***

# БАРЧА УЧУН ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА

Мазкур дарслик ўзининг мазмуни ва моҳияти жиҳатидан ўз вақтида ёзилган, барча фуқаролар учун зарур бўлган ҳуқуқий қўлланмадир. Шу ўринда унинг амалий жиҳатларига тўхталадиган бўлсак, мустақилликкача бўлган даврда юртимизда хўжалик ҳуқуқи масалалари жуда оддий ва бир хиллик кўринишига эга бўлган. Ўтган 12 йил мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётида, унинг қонунчилиги ва хўжалик юритилишининг юридик асосларида туб ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар Ўзбекистон иқтисодий тараққиётини жаҳон талаблари даражасига кўтариб, халқаро иқтисодий муносабатларга мос ҳолда ривожлантириш имконини яратди.

“Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи” дарслиги нафақат талабалар, балки хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи барча фуқаролар учун зарур қўлланма десак, муболаға бўлмайди. Чунки унда хўжалик фаолиятининг қандай кўриниши бўлишидан қатъи назар, уни юритишнинг барча иқтисодий-юридик тартиботлари Олий Мажлис томонидан қабул қилинган янги қонунлар асосида ишлаб чиқилган.

Дарсликнинг замон талабларига мослиги шундаки, унда чет эл инвестициялари, ташқи иқтисодий фаолият, қимматли қоғозлар бозори, банкротлик ва рақобат масалалари бўйича кенг тушунча берилган.

Фуқароларнинг иқтисодий билимлари ҳамда юридик асослари содда ва равон тарзда баён этилган. Ушбу дарслик кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган. Унда оддий фермердан тортиб, то хўжалик суди раислари ҳам фойдаланиши мумкин.

Дарсликнинг яна бир муҳим жиҳати, айрим мавзулар бевосита хўжалик судларида фаолият кўрсатаётган амалиётчи ҳуқуқшунослар томонидан ёзилган. Бу иқтисодий юридик хўжалик масалаларини амалдаги қонунлар асосида тўғри ҳал этишга йўналтирилган йўлланмадир.

Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларига очиқ кўз билан қараш керак. Бозор иқтисодиётининг фақат ижобий томонинигина эмас, балки унинг салбий томонини ҳам кўра билиш керак. Бозорга, айниқса, унинг шаклланиш босқичида узоқ ва чуқур иқтисодий инқирозлар, ишсизликнинг ўсиши, пулнинг қадрсизланиши, кўпгина корхоналарнинг синиши, аҳолининг моддий таъминот жиҳатидан табақалашуви, ҳуқуққа зид муносабатлар ва жиноятларнинг ўсиши хосдир.

Бу чигал жараёнда калаванинг учини топиш ҳар бир ҳуқуқшуносга ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий билимларни пухта эгаллаш талаб этилади.

“Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи” дарслиги талабаларда мана шундай муҳим қобилиятни шакллантиришга хизмат қилади. Бу эса келажакда хўжалик ҳуқуқига оид муаммоларни ҳал этишда ғоятда асқотади.

**И. ЗОКИРОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос**

**Pushaymonlik**

# “ТАРБИЯЧИ” ТОҒА

Рисолат опа турмуш ўртоғи вафот этгандан сўнг фарзандларига оталарининг ўрнини билинтирмасликка ҳаракат қилди. Бироқ уларни тарбиялашда турмуш ўртоғи сингари қаттиққўл ва талабчан бўлолмади. Бу Раҳимжоннинг юриш-туриши, оила, ён-атрофдагилар билан муомаласида кўзга ташланиб турарди. Йигитча арзимас нарсага ҳам онасига ўдағайлайверар, баъзан қўл кўтаришгача борарди. Айни ёз кунларининг бирида ҳам кутилмаганда у яна хархашасини бошлади.

— Ойи, мен ҳам акамнинг ёнига бораман. Йўлкирага пул топиб беринг, — деди у.

— Болам, шу кунларда жуда қийналиб турибмиз. Буни ўзинг ҳам яхши биласан, — дея юмшоқлик билан жавоб берди Рисолат опа.

Бироқ Раҳимжон бу гапни эшитиб, кутилмаганда жаҳли чиқиб кетди. Дастурхондаги пиёла, коса ва шунга ўхшаш идишларни уриб синдира бошлади. Биттасини онаси томонга отганди, тегмай ўтиб кетди. Ўғлининг бундай қилиқларидан юрак олдириб қўйган онанинг тоби қочди. Бироз нафасини ростлаб ўзига келгач, укаси Абдуллани айтиб келиш учун қўшни қишлоққа жўнади. Сабаби турмуш ўртоғидан ажралгандан сўнг у шу укасига суяниб қолган эди. Рисолат опа ҳовлига кириб келган пайт Абдулла битта “стаканчик”ни отиб олиб, айвонда магнитафонини тузатиб ўтирарди. Ҳовлига йиғлаб кириб келган опаси унинг хаёлини бузди.

— Ҳа, опа, сизга нима бўлди, тинчликми? — дея у хавотир билан сўради.

Рисолат опа йиғлаган куйи уйидаги можарони айтиб берди.

— Ўзинг у билан бир гаплашиб қўймасанг бўлмайди, укажон. Бунақада мени адо қилади...

Опасининг гап-сўзларини эшитиб, Абдулла бирдан тутақиб кетди. У ўрнидан отилиб туриб, ҳаллослаб югурганча опасининг ҳовлисига қандай етиб келганини сезмай қолди. Шундан сўнг у опаси Рисолат ва келинига ташқарига чиқиб туришни буюрди. Аёллар чиқиб кетгач, тоға жиян ёлғиз қолишди. Шунда “тарбиячи” тоға кучини кўрсатди.

— Ҳа, полвон ҳали онангга қўл кўтарадиган бўлиб қолдингми? — деб дарвоза тагида ётган темир бўлаги билан жиянини ура бошлади. Жаҳолат ўз кучини кўрсатди. Кўз очиб юмгунча Раҳимнинг пешонаси, ўнг ва чап кўкраги, тиззалари, сони қаттиқ жароҳатланди, талоғи ёрилди. Укасининг бундай ёвузлашиб кетишини ўйламаган Рисолат ўғлининг дод солиб бақиришини эшитиб, чопиб уйга кирди ва уларни ажрата бошлади. Раҳим жон аччиғида кўчага қочиб чиқди.

— Яна бир марта такрорласанг, ўзингдан кўр, — унинг орқасидан бақирди Абдулла. Шундан сўнг Рисолат опа укасига яхши гапириб жаҳлидан туширди ва уйига жўнатиб юборди. Орадан ярим соат вақт ўтгандан кейин яна бир укаси Маҳмуджон кириб келди. Опа-ука ҳали ҳол-аҳвол сўрашга улгурмай туриб, бир бола югуриб келиб Раҳимни далада йиқилиб ётганини айтди.

Маҳмуджон хавотирланиб боланинг орқасидан эргашди. Бироздан сўнг ранги ўчган ҳолда қайтиб келди-да:

— Опа, Раҳим сизни сўраяпти. Аҳволи оғир, бормасангиз, бўлмайди, — деди. Аммо онаси ва тоғаси етиб келгунча йигит жон таслим қилган эди...

Албатта, суд “тарбиячи” тоғанинг қилган жиноятига яраша жазо тайинлади.

Бироқ бу нохуш воқеадан хабардор бўлган ҳар қандай кишини бир ҳол ўйлантиради: хўш, бу жиноятнинг келиб чиқишига ким ва нима сабаб бўлди? Аввало жаҳли чиққанда ақли кетган Абдулланинг оқибатини ўйламай иш тутганлиги, қолаверса, ўзи тан олганидек, Рисолат опанинг ўғли билан тил топиша олмаганлиги туфайли шундай жиноят содир этилди. Агар она бўлмиш фарзандларини тарбиялашда фақат ўзи эмас, балки қариндош-уруғ, маҳалла-қуйдаги ёши улуғлар билан маслаҳатлашиб, уларнинг йўл-йўриқларига асосан иш тутганда эди, бугун ҳам жигарбандига, ҳам жигарига куйиб ўтирмаган бўларди.

Хулоса шуки, фарзанд тарбияси ўта масъулиятли вазифа. У ҳар бир кишидан алоҳида диққат-эътибор, фидойилик талаб қилади. Агар бу борада бирон-бир хатоликка йўл қўйилса, ҳеч шубҳасиз, юқорида баён этилгани сингари нохуш жиноятлар келиб чиқади.

**Фарҳод НАЗАРОВ, ҳуқуқшунос**



Қиш сеҳри

Суратлар муаллифи: Абдуғани ЖУМАЕВ

**Oqibat**

# КЕЧИККАН МЕРОСХЎРЛАР

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Буни қарангки, Наримон Аҳмедов ҳам суд мажлисида онам ўзига тегишли уйнинг қисмини менга қолдираман деб, сотилган уйнинг пулини ўзи олиб ўша вақтда ишлатиб юборган, деб даъво қилса бўладими?! Аслида эса пулни ўзи олганди.

— Онам ўзига тегишли уйни набираси Оминахонга васият қилган. Мирзаевлар оиласи онамнинг бошини айлантириб, тазйиқ ўтказиб васиятнома ёздириб олган. Улардаги барча ҳужжатларни бекор қилиш керак, — деб даъво қилди у.

— Қайнонам уйнинг ўзига тегишли қисмини набираси — қизим Оминахонга васият қилган. Қолаверса, қайнонамиз ўлганда биз уни кўмганмиз, маъракасини ўтказганмиз, — деб даъво қилади Ибодатхон Аҳмедова. — Кейин шу ерда яшаб қолдик. Бизнинг йўғимизда Мирзаевлар оиласи аслида ижарачи сифатида киришган бўлса-да, қайнонамнинг уриб, қўрқитиб васиятномани расмийлаштириб олган.

Қаранг, мол-мулк, уй-жой деб виждонга хилоф иш тутса ҳам бўлар экан-да... Кампир бечора бир коса иссиқ овқатга, бир оғиз ширин сўзга зор-интизор бўлиб, эшикка термулиб ётганда бу “жигарбандлар”, бу “меросхўрлар” қаерда эди?!.

Мана нотариус Шавкатбек Муҳитдинов баёноти: **Мен Андижон шаҳридаги 2-нотариал идорасида нотариус бўлиб ишлаётганимда нотариал идорага шахсан мурожаат қилган Уминса Аҳмедованинг хоҳиш-иродасига асосан, ташқи бирор таъсирсиз ўзига тегишли бўлган Ишчилар кўчасидаги 29-уйни Адҳамжон Мирзаевга васият қилиб қолдирган. Шунинг учун васиятнома тасдиқланган.** Васият қолдирувчи томонидан низоли уйни аввал бошқа бирор шахсга васият қилиб қолдирганлиги маълум қилинмаган. Айнан бир мулкка нисбатан янги васият қолдирилган тақдирда муқаддам қилинган васият ўз кучини йўқотиши мумкин.

Дарҳақиқат, жавобгарларнинг даъволарининг таги пуч эди. Фуқаролик Процессуал Кодексининг моддаларига биноан фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг қарорига мувофиқ жавобгар Оминахон Аҳмедовани Андижон Ишчилар кўчасидаги 29-уйдан Андижон тумани Оқёр қишлоғи Дўм маҳалласидаги 51-уйга, Наримон Аҳмедов Андижон шаҳридаги 2-кичик даҳадаги 32-уйнинг 22-хонасига, Ибодатхон Аҳмедованинг Оқёр қишлоғи 2-тор Обод кўчасидаги 21-уйга мажбурий тарзда кўчирилди. Уларнинг васиятномани, олди-сотди шартномасини бекор қилиш ва мерос мулкка нисбатан меросхўр деб топиш ҳақидаги даъволари асоссиз деб топилди ва рад қилинди.

Қонун бир вақтлар йўл қўйилган меҳрсизликни ҳам, лафзсизликни ҳам, туҳматни ҳам, ҳуқуқий саводсизликни ҳам фош этди. Фуқаролик ишларида инсонларнинг ҳаётий муносабатларидаги муаммолар ҳам фақат асосли ҳужжатлар, қонун асосида ўз ечимини топади. Бунда ҳалоллик қонун ҳимоясида, муттаҳамлар узоққа боролмайди.

**Машрабжон АБДУРАҲМОНОВ, ҳуқуқшунос**
**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ, “Инсон ва қонун” мухбири**

**Nafs balosi**

# ПАНД ЕГАН ВАЛЮТАФУРУШЛАР



Оилали бола-чақали бўлган Малика опа рўзғор тебратишнинг осон йўлини топди. У ўз уйида ўтириб, харидорлардан нақд пулларни санаб олиб, ўрнига хориж валютасини санаб беришни ўзига касб этди. Тез орада маҳалласида “фалончи долларфуруш” деган ном орттирди.

Ўғли Бахтиёр ҳам катта йигит бўлиб қолгани учун уни уйлантириш, ўқитиш, уйли-жойли қилиш кераклигини англаб етган Малика опа уни ҳам мўмай пул топишга ўргатди. Бахтиёрни валютафурушликка ундади. Яқин кунлар ичида қўлига мўмайгина муллажиринг тушишини англаган Бахтиёр онасининг бу таклифига дарров рози бўлди. Шу тариқа хонадонида валюта қимматликларини ноқонуний сотиб олиш ва сотиш авжига чиқди. Энди бу манзилда харидорлар доимий равишда валюта қимматликларни ноқонуний айирбошлашлари мумкин эди.

Аммо бундай осон пул топиш Малика опа ва унинг ўғли Бахтиёрга қимматга тушди. Чунки ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорга кўра 2003 йилнинг 15 октябридан бошлаб, халқаро операциялар бўйича сўмни эркин алмаштириш расман йўлга қўйилди. Бундан ташқари, Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари томонидан пойтахтимизда ноқонуний валюта қимматликларини айирбошлаш фаолияти билан шуғулланиб келаётган фуқароларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйиш мақсадида мунтазам тадбирлар ўтказилмоқда. Шундай тадбирларнинг бирида фуқаролар Малика Тожиева ҳамда унинг ўғли Бахтиёр Тожиев ўзлари яшайдиган хонадонда харидордан қонунга хилоф равишда 2.500 АҚШ долларини 2.450.000 сўмга сотиб олган вақтда қўлга олинди.

Хонадон соҳибаси ва холислар иштирокида унинг ётоқхонаси кўздан кечирилганида, у ердан 2.957 АҚШ доллари, 450 Евро, 6.020 Россия рубли ва 15.150.000 сўм борлиги маълум бўлди ва далилий ашё сифатида олинди.

Маълум бўлишича, М.Тожиева ва ўғли Б.Тожиевлар ноқонуний валюта қимматликларини олиб сотиш фаолияти билан 2002 йилдан буён шуғулланиб келаётган экан.

Албатта, жиноят ҳар доим жазосиз қолмайди. Она-бола валютафурушлар ҳам қонуний жазо олишди.

Ҳозирда мамлакатимизнинг барча ваколатли банкларида валюта муомаласи эркин равишда амалга оширилмоқда. Фуқароларимиз валюта айирбошлаш шохобчаларидан бирон-бир тўсиқсиз валюта харид қилиши ёки топшириши мумкин. Шундай экан, ноқонуний валюта алмаштиришга ҳеч қандай ҳожат йўқ.

**Жаҳонгир ШЕРМАТОВ, ҳуқуқшунос**

**Jinoyatga jazo muqarrar**

# ҚИСМАТ ЎЙИНИ

**СУД ОЧЕРКИ**

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Шу сабабли Икром акасининг қўлидан омбурни олиб, бирпасда эшик қулфи ўтказилган зулфни бураб синдирди. Эшикни осонгина очиб, ичкарига кирди. Зулфнинг синган бўлагини хаёл билан чўнтагига солиб қўйди.

Дўкон ичи қоп-қоронғи эди. Нима бор, қайси мол қиммат, билиб бўлмасди. Икром ичкарида алланимага тегиб кетганди, у пастга ағдарилди. Шунинг зарбиданми, ҳар қалай, дўкон эшиги қаттиқ ёпилди.

Салоҳиддин бу пайтда бозор пештахталари олдида пойлоқчилик қилиб турарди. Тарақлаган овозни эшитиб шу томонга келаётган қоровулни кўриб, у нос сўради. Бироқ “чекмайман”, деган жавобни эшитгач, қандай қилиб қоровулни чалғитсам, дея шошиб қолди. Сиддиқ ака эса дўкон эшигига чироқ тутди. Қараса, эшик очиқ... У хавотир билан дўкон ичкарисига бош суқиб, Икромга кўзи тушиб, қандай воқеа рўй берганини дарров англади. Сўнг Икромни тутиб, ташқарига чиқди. Бунинг устига қўлидаги чироқ ёруғида дўконга кирган кимсанинг афт-ангорини кўриб олди.

Қисқаси, ўғриларнинг режаси амалга ошмади. Энди силлиққина қутулиб кетиш керак. “Қўйиб юборинг, биз ҳеч нарса олганимиз йўқ”, деди Салоҳиддин. Шундай мунозарага бориб турганларида Икром қоровулнинг қўлини қайириб, силтаб ташлади-да, қочиб кетди. Сиддиқ ака фурсатни бой бермай ўғрининг шериги — Салоҳиддиннинг чопонидан маҳкам ушлаб олди ва бошқа қоровулларни ёрдамга чақира бошлади. Вазият жуда қалтис тус олгач, қутулиб кетишга кўзи етмаган Салоҳиддин Раҳматов ёнидан пичоқ чиқарди...

**III. ТАЛВАСА**

Милиция ходимлари Раҳматовлар хонадонига келганида ака-ука уйни таъмирлаш билан машғул эди. Сиддиқ аканинг кўрсатмаси бўйича Икромжонни ички ишлар идорасига олиб кетишди. Улар уйдан узоқлашиши билан Салоҳиддин ҳам кўздан ғойиб бўлди. Шундан сўнг у акасининг Боғот қишлоғида яшовчи танишиникида беш-олти кун яшади. Бу пайтда Икром барча қилмишларини тан олиб, терговда кўрсатма берганди. Хонадонда ўтказилган тинтув вақтида Салоҳиддиннинг шими чўнтагидан газета парчасига ўралган “героин” гиёҳвандлик моддаси, Икромжоннинг чўнтагидан эса эшик зулфинининг бир бўлаги топилди.

Совуқ хабар одамлар орасида тез тарқалади. Гап болалаб пуфакдек шишиб кетаверади. Кимдир бозор қоровулини ўғрилар пичоқлаб кетибди деса, бошқа биров ўлдириб кетибди, дейди. Яна кимдир қоровул касалхонада вафот этганмиш деб гапиради.

Қочиб юрган Салоҳиддин бу мишмишлардан қаттиқ талвасага тушарди. Ўзини совуқ темир панжара ортига тушиб қолишини ўйлаб, тирноқларининг учигача музлаб кетарди.

Бунинг устига ана шундай қочиб юрган кунларда унинг чўнтагида пули қолмади. Пул топиш керак, бусиз юриб бўлмайди, кўнглидан кечирарди Салоҳиддин. Ана шундай тубан мақсадда у О.Узоқов номидаги ширкат хўжалигининг Қоратепа қишлоғидаги фуқаро Фазлиддин Очиловнинг хусусий ошхонасини мўлжалга олди. 3 майдан 4 майга ўтар кечаси ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб дераза орқали ошхонага кирди. Қўлга илинган нарсалар — тарози, чироқ, сигарета, ароқ, эркаклар туфлиси, озиқ-овқат маҳсулотларини ўмариб кетди. Сўнг хўжаликнинг Зинак қишлоғига бориб, ўғирлаб чиққан 84 минг 500 сўмлик нарсаларни сотиб юборди.

Кейин Зинак қишлоғидаги бир танишиникида икки кун тунади. У ўзининг қидиришаётганини билар, манзилни ўзгартирмасам бўлмайди, деган талвасада эди. Бу сафар Ургутдан узоқроқ деб Иштихон туманига йўл олди. Бироқ узоққа қочиб кетолмади, тез орада қўлга олинди.

**IV. ТАВСИФ**

Салоҳиддин Раҳматов 1967 йилда туғилган. Оилали, бир нафар фарзанди бор. Муқаддам уч марта турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинган, хавфли рецидивист.

Икромжон Раҳматов 1975 йида туғилган, бўйдоқ. Муқаддам икки марта туман судининг ҳукми билан турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинган.

Ака укани доимо яхши йўлга бошлаши, ота-онадан ажралиб қолса ўқитиб тарбиялаши, ҳунарли қилиши, уй-жойли қилиши керак. Бу халқимиз табиатига хос хусусият. Салоҳиддиннинг қандай ака эканлиги, Икромжоннинг қадам олишига баҳо бериш газетхоннинг ўзига ҳавола.

Бизга шуниси маълумки, ака-ука аввалги жазоларидан тегишли хулоса чиқариб, тузалиш йўлига ўтмаган. Кейинги қилган жиноятлари ҳам шубҳасиз жазосиз қолмади.

Қандия опа эса аёл кишининг туши тескари келади, дейишларига унчалик ҳам ишонмайди. Оила бошига тушган ташвишларни қисмат ўйини деб билади. Сиддиқ аканинг омон қолганига қувонади, шукр қилади.

Турмушда бундай воқеалар учраб туради. Ростдан ҳам, у қисмат ўйинимими? Агар шундай бўлса, Раҳматовларга ўхшаганлар унинг сабабчиси саналаркан-да.

**Икром НАСРИДДИНОВ, ҳуқуқшунос**
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, “Инсон ва қонун” мухбири**

**ЭЪЛОН**

**Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан Тоғаев Абдумалик Тўраевичга 06.06.1997 йилда берилган SU 000022-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия Малака комиссиясининг 2003 йил 31 октябрдаги 7-сонли қарори билан БЕКОР ҚИЛИНДИ.**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-219. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди —
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50